

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**Акбарова Ноила Обобакировна**

**XIX аср охири-XX аср бошларида Ўзбекистонда оилавий урф-одат  
ва маросимларда этномаданий муносабатлар**

**Мутахассислик: 5 А 120301 «Ўзбекистон тарихи»**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ МАГИСТРИ ДАРАЖАСИНИ  
ОЛИШ УЧУН ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар :**

**доц . Д. Т.Собирова**

**Андижон-2015**

## Мундарижа

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3 – 9 б</b>
<b>I БОБ. XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК МИНТАҚАЛАРИДА ЭТНИК ҲОЛАТИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ</b>	
<b>1.1. Ўзбекистон аҳолисининг турли минтақаларда этник     ҳолати.....</b>	<b>10 – 15 б</b>
<b>1.2. Ўзбекистон аҳолисининг этник таркиби.....</b>	<b>16 – 21 б</b>
<b>II БОБ. АҲОЛИНИНГ ЭТНОХЎЖАЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЭТНОСЛАРАРО САВДО АЛОҚАЛАРИ</b>	
<b>2.1. Аҳолининг хўжалик алоқаларида этник ва локал     хусусиятлари.....</b>	<b>22 – 34 б</b>
<b>2.2. Этномаданий жараёнлар ва этносларнинг ўзаро савдо-содик     муносабатлари.....</b>	<b>35 – 47 б</b>
<b>III БОБ. МОДДИЙ МАДАНИЯТ ВА ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРДА ЭТНОМАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР</b>	
<b>3.1. Этник алоқаларнинг анъанавий тураржойларда акс     этиши.....</b>	<b>48 – 57 б</b>
<b>3.2. Анъанавий кийимлар: умумийлик ва ўзаро     тафовутлар.....</b>	<b>58 – 72 б</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>73 – 77 б</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>81 - 83 б</b>

# Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Истиқлол шарофати билан тарихимизни, бой ўтмишимизни илмий, холисона тарзда баён қилиш имкониятини кўлга киритдик. Мустақиллик йилларида тарих масаласига бўлган эътибор давлат даражасига кўтарилди. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил июн ойида бир гуруҳ олимлар билан ўтказган учрашувида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги» 1998 йил 27 июл қарорида ва Президентимизнинг тарихий ўтмишимизни ўрганиш муаммоларига бағишланган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ҳамда сўнгги пайтлардаги кўпгина чиқишларида ўзбек халқининг тарихини илмий, ҳаққоний тарзда баён қилиш, тарихий тадқиқотларга кенг кўламда йўл очиб бериш, маданий меросимизни асраб – авайлаш, миллий мафкура ғояларини ривожлантириб тарғиб этиш ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди<sup>1</sup>.

XX аср давомида этнология фанида бой эмпирик ва назарий материаллар йиғилди. Ўтган асрнинг биринчи ярмида бажарилган академик тадқиқотларда кўпроқ ўтмишга айланаётган анъанавий урф-одатлар тўғрисидаги маълумотларни ёзиб олишга диққат эътибор қаратилган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фандаги мавжуд вазият батамом ўзгарди ва этнографик материалларнинг амалий аҳамияти ошди. Ҳозирда этнология фанидан нафақат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда, балки коммуникация тизими, халқаро савдо, дипломатия ва бошқа катор соҳаларда ҳам фойдаланилмоқда.

Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистонда ҳам жамият ҳаётидаги туб бурилишлар ва миллий тафаккурдаги ўзгаришлар туфайли ўзбек халқи этнологиясига қизиқиш янада

---

<sup>1</sup> Қаранг. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент: Шарқ, 1998.

кучайди. Айниқса, бу борада миллий давлатчиликнинг маҳаллий бошқарув усуллари, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи каби муҳим муаммолар билан бирга анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, тарихий-этнографик минтақалар этнографияси ҳамда турли ҳудудларга хос этнолокал анъаналарни ўрганишга бағишланган қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, соҳада бажарилаётган тадқиқотлар ҳам хажм, ҳам мазмун-моҳият жиҳатидан бойиб боришининг асосий сабабларидан бири - бу мустақиллик йилларида ўтмиш тарих ва миллий қадриятлар ҳамда анъаналарга бўлган кизиқишнинг кескин ортганлигидан, деб айтиш мумкин. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли мамлакат бўлгани боис, нафақат ўзбек халқи, балки мамлакатимиз ҳудудида яшаётган бошқа халқларнинг этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро этномаданий мулоқотларни тарихий-этнографик аспектда ўрганиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти Этнология бўлими мутахассислари ва Республикаимизнинг бошқа этнолог олимлари томонидан кейинги йилларда қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз этнологлари томонидан бажарилаётган илмий изланишлар нафақат мазмун ва моҳияти билан, балки уни бажаришдаги назарий-методологик жиҳатдан ёндашувлар ҳам ўзгарганлиги яққол сезилмоқда.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқот ишини объекти ва предмети ёзиш учун кўплаб адабиётлардан фойдаланилди. Тадқиқотнинг назарий асосини Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва мавзуга доир билдирган фикр ҳамда нутқлари ташкил этади<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т., «Ўзбекистон», 1992; Ўша муаллиф. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т., «Ўзбекистон», 1995; Ўша муаллиф. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т., «Ўзбекистон», 1997; Ўша муаллиф. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т., «Ўзбекистон», 1998; Ўша муаллиф. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., «Шарқ», 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т., Ўзбекистон, 1998; Ўша муаллиф. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т: Ўзбекистон, 2011.

Бугунги кунда этнологик тадқиқотлардан бири сифатида "Анъанавий ва замонавий этнослараро жараёнлар" йўналишида ҳам қатор амалий ишлар бажарилган бўлиб, кенг китобхонлар оммасига такдим қилинаётган ушбу китобни ёзишдан бош мақсад - Ўзбекистон худудида XIX аср охири - XX аср бошларида яшаган турли этнос ва этнографик гуруҳларнинг ўзаро этник ҳамда маданий алоқалари характерини тарихий-этнографик материаллар асосида таҳлил қилиш ҳисобланади. Натижада "этномаданий жараёнлар", "этник ва маданий идентиклик муаммолари", "замонавий жамиятда миллий-этник жараёнлар", "этнопсихология", "этнослараро коммуникация" каби фанларнинг янги йўналишларида қатор тадқиқотлар бажарилди.

Маълумки, сўнгги йилларда этнология фанида этник мансубликни уруғ, қабила, элат, эл каби тарихий-ижтимоий бирликлар тарзида талқин қилиниши биров мунозараларга сабаб бўлган бўлса-да, улар маълум бир тарихий тараққиёт давомида у ёки бу халқнинг этногенетик жараёнида фаол иштирок этган ва унинг таркибий қисмига айланган этник гуруҳлар анчагина. Тарихда ҳар қандай ижтимоий тузилма у этник бирлик, уруғ, қабила, элат, миллат деб аталишидан қатъий назар, бу даврда Ўрта Осиё халқлари кўплаб катта-кичик этник ва этнографик гуруҳлардан ташкил топган эди.

Тадқиқотларда этнослараро алоқалар ўзига хос тарихий «этномулоқот худудлар»дан бири бўлган Фарғона водийси ва ўзига хос тарихий-этнографик кўриқхона» ҳисобланган Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятлари мисолида ўрганилган. Унда этномаданий алоқалар анъанавий хўжалик ва савдо-сотиқ алоқалари мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, бу даврда Ўзбекистон аҳолисининг этномаданий алоқаларини моддий маданиятда, хусусан, тураржойлар, кийимлар ва таомларда намоён бўлишини этнографик материаллар асосида кўрсатиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

**Диссертацияни илмий янгилиги,** аввало, мавзунинг мустақиллик мафқураси асосида тадқиқ этилиб, манбаларга танқидий тарихий жиҳатдан

ёндошилиб, кўплаб асарлар ва даврий матбуот материаллари асосида илмий-назарий хулосалар қилинганлигида кўринади.

Ушбу тадқиқот янгича қарашлар, миллий ғоя ва янги методология асосида ҳали тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган долзарб масалани, яъни Ўзбекистон аҳолисининг этник таркиби XIX аср охири - XX аср бошлари даврий оралиғида янги ҳамда кўпчилиги маълум бўлмаган манбаларга асосан ўрганилганлигидадир.

**Мавзунини ўрганилиш даражаси:** шубҳасиз, кўплаб тадқиқотчилар анъанавий этнослараро жараёнларнинг тавсифи билан чекланиб қолмасдан, ушбу жараёнларнинг моҳияти, ривожланиш йўналишларини кўрсатиб беришга ҳамда бу жараёнларга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилишни ҳам ўз олдларига мақсад қилганлар. Қолаверса, китобда ўрганилган даврда мамлакатимизнинг турли минтақаларида этник ҳолати ва этномаданий жараёнларга тарихий жараёнларнинг у ёки бу даражадаги таъсири инкор этмаган ҳолда, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва маданий мансублик муаммосига ҳам эътибор қаратилган. Бу жараёнларни таҳлил қилиш асосида этнос ва этникликка оид этнологиянинг замонавий мактабларининг илғор вакиллари қарашларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда қатор янги илмий хулосалар баён қилинган.

Ўзбек халқининг асосини ташкил этган этник гуруҳлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтроқ яшаб, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган маҳаллий суғдийлар, бақтрийлар (бахтарийлар), хоразмийлар, фарғоналиклар, ярим чорвадор қанғлилар, кўчманчи сак – массагет каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек, Жанубий Сибирь, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёси бўйларидан турли даврларда Мовароуннаҳрга кириб келган этник компонентлар ҳам ўзбек этногенезида иштирок этганлиги тарихдан маълум. Шу ўринда ўзбек халқни этногенезининг бошланғич «нуқтаси» ва «якуни» масаласи катта қизиқиш уйғотади. Дастлаб ўзбек этногенезининг илк нуқтаси турк хоқонлигидан бошланди, деган тезис пайдо

бўлди (академик А.Ю.Якубовский нуқтаи назари). Кейинроқ, туркий этник гуруҳлар бу заминга анча аввалроқ, антик даврда кириб келган, шунинг учун ўзбек этногенезини антик даврдан бошлаш керак, деган тезис пайдо бўлди (академик С.П.Толстов нуқтаи назари). Академик Карим Шониёзов ҳам ўзининг сўнги фундаментал тадқиқотини<sup>3</sup> мана шу нуқтаи назар асосида ёзган.

Ҳозирги кунда бу сана янада қадимишлаштирилди, яъни сўнги бронза даври билан белгиланмоқда. Бунда академик А.Асқаровнинг нуқтаи назари<sup>4</sup> муҳим аҳамият касб этади. Унинг илмий тадқиқотларида ўзбек этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнги бронза даврига бориб тақалиши асосланиб, ўзбек элати халқ бўлиб шаклланиш якуни эса милодий XI-XII асрларда деб кўрсатилади. Мазкур улкан тарихий давр ичида аждодларимиз бир неча этномаданий босқичларни босиб ўтади. Ўрта Осиё худудига турли туркий қабилалар ва этник гуруҳларнинг кириб келиши билан элатга хос этник омиллар бирин-кетин шаклланишини таъминлади ва натижада ўзбек халқи шаклланди. Бу жараёнларни кўйидаги босқичларда кўрсатиш мумкин:

Ўзбек халқи этногенезининг биринчи босқичи — бошланиши бронза даврига бориб тақалади. Археологик материаллар таҳлилига кўра, бу босқич мил. авв. II минг йилликнинг ўрталаридан то македониялик Искандарнинг Ўрта Осиё худудига кириб келишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр, ўз навбатида, қатор тарихий воқеликлар билан характерланади. Евроосиё чўлларининг чорвадор аҳолиси ҳаётида от, эшак ва туядан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтилгач, дашт аҳолисининг ўз чорва подаларини ҳайдаб жануб ва ғарбга томон миграцияси бошланади. Шу муносабат билан бир гуруҳ дашт аҳолиси мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмида (бронза даври) Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий томонидан Амударёнинг қуйи ҳавзаларига кириб келди. Унгача бу заминда Қалтаминор маданияти (неолит даври) ва Сувёрган маданияти (энеолит ва бронза даври) аҳолиси яшаб келар эдилар. Янги этник гуруҳнинг моддий маданият излари

<sup>3</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент: Шарқ, 2001.

<sup>4</sup> Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т.: Университет, 2007.

С.П.Толстов томонидан 1938 йилдан бошлаб қадимги Хоразмда, Аударёнинг Оқчадарё ўзанидан тортилган Тозабоғёб канали районида топиб ўрганилди. Қадимги Хоразм тарихининг билимдони С.П.Толстов бу янги этник гуруҳга тегишли ёдгорликларни «Тозабоғёб маданияти» деб атади.

Иккинчи босқич — антик даврда, яъни Да-юечжи қабилалари ва хунларнинг бу замида пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Бу даврда туркий этнос фойдасига туб ўзгаришлар юз беради. Хусусан, милоддан аввалги III – милодий V асрлар давомида Қанғ давлати доирасида қанғар элати ташкил топади, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси районларида икки тилли аҳоли этник гуруҳлари омукталашган моддий воқелик — Қовунчи маданияти ва ўзбекларга хос антропологик тип — «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типии» шаклланади ва ниҳоят ўзбек халқи асослари дастлаб таркиб топган этномаданий майдон таркиб топади.

Учинчи босқич - юртимизнинг ички ҳудудларига хионийлар, кидарийлар (тохарлар), эфталийлар каби туркий тилли қabila ва элатларнинг кириб келиши билан боғлиқдир.

**Тадқиқотнинг назарий – методологик асослари,** Мавзуни ёритиш жараёнида ижтимоий воқеликни билиш ва ўрганишнинг диалектик методи, унинг илмийлик, холислик, тарихийлик, узвийлик тамойилларига таянилди. Асосий эътибор юз берган воқеаларнинг ўзаро диалектик алоқадорлигига қаратилди. Тадқиқот жараёнида мавзуга миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғоясидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот Ўзбекистон тарихининг бизга ҳали номаълум бўлган қирраларини, айниқса, Ўзбекистон ҳудудидаги анъанавий этнослараро жараёнлар ҳамда ўзбек халқи ва аҳолисининг этник шаклланиши, таркиби ва ундаги асосий босқичларни, тарихий воқеликларни тўғри ёритишда, уни тўлдириш, аниқлик киритиш ва холисона баҳолашда ёрдам беради. Тадқиқот иши материаллари ушбу даврни янада чуқурроқ ва атрофлича тадқиқ қилиш учун имкон яратади.

**Диссертация ишининг таркибий тузилиши.** Иш кириш, 3 боб, 6 бўлимдан, хулоса ҳамда фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Магистрлик ишининг умумий ҳажми 86 бетни ташкил этади.

# I БОБ. XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРЛИ ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК МИНТАҚАЛАРИДА ЭТНИК ҲОЛАТИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

## 1.1. Ўзбекистон аҳолисининг турли минтақаларда этник ҳолати.

Ўзбек халқи узоқ ва воқеаликларга бой тарихига эга бўлиб, унинг халқ сифатида шаклланиши масаласини ўрганишда дастлаб уруғ, қабила, элат, халқ тушунчалари тўғрисида бир қадар тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Уруғ (эски ўзбек.) — бир аجدоддан тарқалиб (бир она ёки отадан), умумий бир ном билан аталувчи қон-қариндошлик жамоаси. Қадимдан қон-қариндошлик ришталари билан боғланган, бир илдизга бориб тақаладиган, турмуш тарзи, яшаш шароити бир хил бир неча оилалар бирикувидан уруғлар ҳосил бўлган. Қариндошлик ҳисоби она (она уруғи) ёки ота (ота уруғи.) бўйича олиб борилган. У юқори ва қуйи палеолит даврлари оралигида пайдо бўлган. Уруғ жамоасининг ўз етакчиси – оқсоқоли бўлган. Уруғ жамоаси ҳамма нарсада, ҳар бир масала-ю саъй – ҳаракатларда оқсоқолнинг измида бўлган. Уруғлар қабилаларга бирлашган. Жамиятда табақаланишнинг пайдо бўлиши билан бўлиниб кетган. Уруғ - қабилаларга бўлиниш қолдиқлари кўп халқларда сақланиб қолган.

Ўрта Осиё халқлари кўпгина қабила ва уруғларга бўлинган. Масалан, ўзбеклар 92 дан ортиқ, туркманлар 100 дан ортиқ, қозоқлар 300 дан ортиқ қабилалар ва уруғларга, улар эса яна бир неча уруғчаларга бўлинган. Уруғлар кўпинча яшаган географик жойлари ва ишлаб чиқариш турларининг номланиши билан аталган. Туркий халқлар таркибига барлос, қиёт, қушчи, қўнғирот, уйшун, найман, чимбой, қарлуқ, кенагас, дўрмон, манғит, нукуз, уйғур, хитой, тоймас, қипчоқ, туман, минг ва бошқа уруғлар кирган.

Қабила (араб.) — уруғ, уруғ – аймақ — бир ота – онадан тарқалган бир нечта уруғ уюшмаси; қабила уруғга нисбатан йирик бўлиб, бир нечта

уруғларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Масалан, ўзбеклардаги минг, найман, қўнғирот қабилалари ва ҳоказо. Бу birlik ибтидоий жамоага хосдир. Дастлабки қабилалар ўзаро дуал экзогамия, яъни бир – бирига қиз олиб – қиз бериш асосида қариндошлик иплари билан боғланган бир неча жуфт қудалашган уруғдан ташкил топади. Қабиланинг ўзига хос тили (лаҳжаси), ҳудуди, қабила номининг (этнонимининг) бўлиши ва ўзига хос қабила анъаналарини, унинг аъзолари томонидан билиши билан бошқа қабилалардан ажралиб туради. Қабила ҳаётига доир ишларга бошчилик қиладиган қабила оқсоқоли сайланган, муҳим масалалар бўйича қабила йиғинлари ўтказилган.

Қабилалар ўртасида этник, хўжалик, моддий ва маданий алоқалар ривожланиши натижасида улар қўшилишиб, бирлашиб кетадилар. Натижада уларнинг етакчи, нуфузли гуруҳи номи билан янги этник birlik - элат ёхуд халқ шаклланади.

Элат - мўғулча, туркийча сўз бўлиб, кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тарихан таркиб топган миллатдан олдинги бирлиги. Элат қабила билан миллат орасидаги этник birlikнинг кўринишидир. Элатнинг шаклланишига бир – бирига яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган. Ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг маълум бир босқичида қабилалар орасидаги этник, хўжалик моддий ва маданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида бир қанча қабилалар бирлашадилар. Натижада этник birlikнинг янги тури вужудга келади. Бу элат дейилиб, маълум тарихий шароитда ҳудудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида шаклланади. Элат (асоси «эл») атамаси ўтмишда кенг маънода қўлланилган; халқ, давлат, қабила, қабила иттифоқи, маълум бир қабила ёки ҳудуд фуқароларини англатган. Турли элатларнинг ҳудуд жиҳатидан ўзаро яқинлашуви уруғ ва қабила гуруҳларидаги кишиларнинг қон – қариндошлик алоқаларини кучайтирган. Иқтисодий – хўжалик, маданий ва этник жараёнларнинг тобора ривожланиши натижасида бир неча қабилаларнинг

бирлашуви жараёнида вужудга келган элат этник худудий, иқтисодий, тил ва этномаданий умумийлик асосида шаклланган.

Халқ - 1) муайян мамлакатнинг барча аҳолиси; 2) тарихий бирликнинг турли шакллари (қабила, элат, миллат). Халқларнинг келиб чиққан тарихини (этногенезини) ва шаклланиш жараёнини ўрганишда ижтимоий фанларда «этнос» (юн. «халқ») ва «этник бирлик» иборалари қўлланилади<sup>5</sup>. Халқ – бу биологик ҳосила эмас, балки узоқ давом этадиган этногенетик жараёнлар маҳсули ва этник бирликлар йиғиндиси. Этнос атамаси, яъни халқ жуда кенг ва тор маънода ишлатилади. Масалан, кенг маънода: Россия халқи, Ўзбекистон халқи, дунё халқи; тор маънода: ўзбек халқи, қирғиз халқи, тожик халқи. Кичик бир гуруҳ кишиларига нисбатан ҳам «халқ» ибораси қўлланилади. «Халқ» атамасини «эл», «элат» ўрнида, анча вақтлардан буён ўтроқ ҳаёт кундалик турмуш тарзига айланган этник бирликлар уюшмасига нисбатан ишлатилиб келинмоқда. Фанда этник бирлик босқичининг 3 тури мавжуд: қабила, элат ва миллат. Кетма – кет алмашиб келган бу атамалар турли вақтларда вужудга келган бўлиб, улар ўз даврига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладилар. Кишилар бирлашувининг табиий негизи — худуд умумийлиги, шунингдек, улар тилининг яқинлиги ёки умумийлиги этник бирликнинг, яъни халқнинг вужудга келишида асосий шарт ҳисобланади. Шу билан бир қаторда халқнинг шаклланишида иқтисодий ва маданий умумийлик омиллари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бироқ ушбу кўрсатилаётган худудий, тил, иқтисодий ва маданий умумийлик бир пайтнинг ўзида юз бермайди, аскинча муайян тарихий босқичларда шаклланиб таркиб топади.

Ўзбеклар алоҳида этник бирлик (элат) бўлиб шаклланган худуд масаласига тўхталадиган бўлсак, улар Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари — Мовароуннаҳрда, Хоразмда, Еттисувда, қисман Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган.

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9 жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.366.

Ўзбек халқининг тили эса мавжуд қадимги ёзма манбалар таҳлиliga кўра, неолит (янги тош) ва бронза даврларида Ўзбекистон ҳудудининг тубжой аҳолиси эроний тиллар оиласининг шарқий лаҳжаларида сўзлашувчи суғдийлар, хоразмийлар, бактрийлар, сак қабилалари бўлганлиги фанда эътироф этилади. Ҳозирги Ўзбекистон аҳолисининг тили - ўзбек тили эса туркий тиллар (туркий тилларнинг қорлуқ гуруҳига мансуб тиллардан; янги уйғур тили билан биргаликда қорлуқ-хоразм гуруҳчаси) оиласига киради. Демак, ўзбеклар икки хил тилда сўзлашувчи (шарқий эроний ва туркий) қабила ва элатларнинг қоришувидан таркиб топган этносдир.

Маълумки, ўзбекларнинг этник тарихи унинг этногенези қаби узок давом этадиган этномаданий жараён бўлиб, бу жараён то XIX асрнинг ўрталаригача давом этади. Ўзбек этник тарихида XV аср охири XVI асрлар ҳам муҳим давр ҳисобланади. Ушбу босқичда Ўрта Осиёга манғит, қўнғирот, найман, уйғур, сарой, қатағон, қушчи, дўрмон, кенагас, қирқ, юз, минг, баҳрин ва бошқа Дашти Қипчоқ ўзбек этник гуруҳларининг навбатдаги тўлқини кириб келди. Натижада Мовароуннаҳр аҳолисининг этник қиёфасида уларнинг аломатлари фаоллашган. Дашти Қипчоқдан икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғи ва Хоразмга келиб ўрнашган этник гуруҳдар «ўзбек» номи остида маҳаллий аҳоли этник ранг – баранглигини бирмунча кўпайтирган бўлсалар ҳамки, лекин унинг этник таркибини тубдан ўзгартириб юбормаган. Ушбу этнослар шаклланган ўзбек халқининг таркибига келиб қўшилган навбатдаги этник компонент эди, холос. Улар Мовароуннаҳр ва Хоразм аҳолисининг турмуш тарзига, анъаналарига, маданиятига, хўжалик фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатган янги типдаги маданий катлам ҳосил қилган. Айниқса, Зарафшон водийси ва Ўзбекистоннинг жанубий минтақалари аҳолиси орасида бу нисбат кучли сезилади. Маҳаллий аҳолига улар «ўзбек» номини беришган ва бу ном Мовароуннаҳр ва унга қўшни вилоятлар аҳолиси учун расмий равишда умумий ном бўлиб қолган.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ўзбек этнонимининг келиб чиқиши бўйича фанда яқдил фикр мавжуд эмас. Айрим муаллифлар (Т. Вамберм, Т. Ховорс, М.П. Пельо) Дашти Қипчоқда кўчиб юрган турк – мўғул кабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганликлари сабабли «ўзбек», яъни «ўз – ўзига бек» деб атаган десалар, бошқалар (П.П. Иванов, А.Ю. Якубовский, Хилда Хукхэм) «ўзбек» этнонимини Олтин Ўрда хони (Султон Муҳаммад) Ўзбекхон (1312 – 1342) номи билан боғлайди, бошқа яна бир гуруҳ олимлар эса (В.В. Григорьев, А.А. Семёнов ва Б. Аҳмедовлар) ўзбек номи Оқ Ўрда (Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми)да кўчиб юрган турк – мўғул кабилаларига тааллуқли бўлган деган фикрни билдирадилар<sup>6</sup>.

Ўзбек халқининг миллат тарихи эса XIX аср охири – XX асрнинг бошларидан бошланади. Миллатнинг шаклланиши халқнинг таркиб топиши каби узоқ давом этадиган тарихий ва этномаданий жараён бўлиб, миллат этник тарихнинг энг юксак юқори чўққиси, камолат босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, у суверен давлат сифатида ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил юритади, умум миллат тили давлат тили мақомини олади, унинг давлат чегаралари қатъий, даҳлсиз бўлиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинади, миллатнинг ўзликни англаш даражаси юксак, миллий гурур, ватанга фидойлик, она замин ва халқига содиқлик миллат фуқароларининг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади, миллатга хос миллий менталитет шаклланади, давлат жамият томонидан бошқарилади, яъни давлат миллатнинг ҳошиш – иродасини бажарувчи жонли механизмга айланади.

Бугунги кунда ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи, этногенези ва этник тарихини чуқур ва атрофлича ўрганиш тарих фани олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мавзунинг мақсадидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг, жанубий ва шимоли-шарқий худудларида кечган этник жараёнларнинг қиёсий таҳлили асосидаги умумий илмий манзарасини беришга ҳаракат қилдик.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2005. –Б.488

Маълумки, замонавий этнология фанидаги нуқтаи назарга кўра “этниклик - маданий характер мажмуасига асосланади, яъни қайсидир этник гуруҳ, гарчи бошқа этник гуруҳлардан қондош-уруғчилик жиҳатидан фарқлансада, маданий муносабатларда яқин бўлганлар ҳамда этникликда қондош уруғчилик ёки бошқа объектив критериялар муҳим роль ўйнамайди”<sup>7</sup>, деган фикрлар мавжуд. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги этник жараёнлар таҳлилидан этниклик - ҳам этник, ҳам маданий мансублик омилларининг уйғунлиги самараси эканлигини кўришимиз мумкин<sup>8</sup>.

Элатни аниқловчи аломатларнинг этник жараёнларга у ёки бу даражадаги таъсирини инкор этмаган ҳолда, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳамда маданий мансубликнинг ҳам катта таъсир ўтказганлигини таъкидлаб ўтмоғимиз лозим.

---

<sup>7</sup> Садохин А.П. Этнология.-Москва: Мысль,2000.-С.3.

<sup>8</sup> Қаюмов А.Р. XIX-XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида этник жараёнларнинг баъзи хусусиятлари.-Т, 2005. -Б.42.

## 1.2. Ўзбекистон аҳолисининг этник таркиби.

Тарихдан маълумки, тархий-этнографик минтақалардаги этник жараёнлар ва этнослараро алоқаларга ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳам сезиларли таъсир ўтказган.

Юқорида биз бежиз ижтимоий-сиёсий ҳолатнинг этник жараёнларга таъсири тўғрисида фикр юритмадик. Зеро, “этниқ бирлик аниқ шароитда, табиий-тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келган ижтимоий уюшмадир”<sup>9</sup>.

Шунингдек, ушбу давлатлар аҳолисининг этник таркибида ҳам ўзаро яқинлик мавжуд эди. Шу сабабли ҳам этномаданий жараёнлар бир давлат ёки кичик бир минтақа доирасида эмас, балки ўзбек элати тарихан шаклланган ва тараққий этган макон - Ўрта Осиё минтақаси доирасида кечган. Ушбу минтақанинг турли тарихий-этнографик вилоятларидаги (Ўзбекистоннинг жануби ва Фарғона водийси) этник жараёнлар, этнослараро ўзаро алоқадорлик, турлича хўжалик-маданий ва табиий-географик муҳитда келиб чиқиши бир бўлган, ўзаро генетик алоқадор этник ва этнографик гуруҳларнинг ҳамда ўзбек халқи таркибидаги этносларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари борасида янгича назарий ёндашувлар асосида баъзи фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Худуднинг бирлиги этноснинг шаклланишида муҳим аломатлардан бири бўлса ҳам, худуднинг яхлитлиги сақланиб қолмаган шароитларда ҳам этник алоқалар давом этаверган. Албатта, диний эътиқодларининг бирлиги, маданий-хўжалик хусусиятларининг ўхшашлиги, моддий маданияти ва маънавий қадриятларининг яқинлиги каби омиллар ҳам ўзаро этник алоқалар натижасидир.

Шундай бўлсада, юқорида санаб ўтилган этник кўрсаткичлар маромига етишига ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати имкон бермас эди. Юқорида

---

<sup>9</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т., 1998.-№6.-Б.32.

таъкидлаб ўтганимиздек, аввало, ўзбек халқи шаклланиган ва тарихан таркиб топган минтақа уч давлатга бўлиниб кетганлиги, улар ўртасидаги ўзаро урушлар, тахт ва ҳокимият учун курашлар нисбатан иқтисодий қолоқлик ва, ниҳоят, ўлканинг подшо Россиясига тобе бўлиб қолиши каби омиллар ҳам маълум даражада этник жараёнларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Албатта юқорида баён этилган назарий таҳлиллар аниқ этнографик материаллар билан асосланиши лозим. Маълумки, ҳар бир тарихий-этнографик ҳудуддаги турли этник гуруҳлар жойлашган ўрнининг табиий-географик хусусиятларидан келиб чиқиб, хўжалиги, моддий маданияти ва этник хусусиятларига кўра баъзи тафовутларга эга бўлган.

Шу каби хўжалик-маданий, этник хусусиятларида ўзига хосликларга эга бўлган Ўзбекистонинг шимоли-шарқий ҳудуди (Фарғона водийси) ҳамда жанубий минтақаларини (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) ўзаро қиёсий тартибда ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсадларидан биридир. Тадқиқ этилаётган минтақалар аҳолисига этник тарихини ўрганишда ўрта асрлардан XX аср бошларига қадар бўлган тарихий даврда ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий омиллар асосида кечган этник жараёнларга ҳам эътиборни қаратиш керак, албатта. XVI аср бошларидан кучайган сиёсий парокандаликнинг таъсири асрлар давомида динамик ҳолатда XIX аср охири - XX аср бошларигача етиб келди. Бунинг натижасида эса хўжалик-маданий тараққиёт ҳам нисбатан бир қадар орқада қолган эди.

Ўзбекистон аҳолисининг келиб чиқиши ва шаклланиши муаммоси, этнослараро муносабатлар масалалари А.Ю Якубовский, С.П.Толстов, П.П.Иванов, А.А.Семенов, БА.Аҳмедов, С.С.Губаева, Б.Х.Кармишева, К.Ш.Шониёзов, Т.Қ.Хўжайов, А.Хўжаев, А.А.Асқаров, У.С.Абдуллаев каби олимларнинг ишларида кенг ёритилган.

Иккинчи этник компонент (субэтнос) Мовароуннахрнинг қадимий туркий элатлари билан келиб чиқиши турк-мўғул компонентлари бўлган субэтник гуруҳларнинг ассимиляцияси натижасида шаклланиган. Улар Ўзбекистон ҳудудларида XX асрнинг бошларигача этник номларига хос

бўлган хусусиятларини қисман сақлаб, ўтроқ ҳолда яшовчи қадимий этник компонентлар билаи тўлиқ аралашиб кетмасдан, яримўтроқ турмуш тарзида яшаб этнографик адабиётларда турк, чигил, яғмо, қарлук, қипчоқ каби этнонимлар билан маълум.

Ўзбекларнинг этник тарихида фаол қатнашган учинчи йирик қатлам эса XV аср охири - XVI асрларда Мовароуннаҳр ҳудудларига жойлаша бошлаган Дашти Қипчоқ этник гуруҳларидир. Улар XX аср бошларида ярим ўтроқ турмуш тарзида яшаб, чорвачилик ҳамда лалми деҳқончилик хўжалигини бирга олиб борган субэтник компонентдир. Бу гуруҳ турли кичик этник гуруҳлардан кўнғирот, манғит, қипчоқ, найман, кенагас, сарой, хитой, минг, юз қирк, қатағон ва ҳоказолардан иборат. Мазкур элатлар Зарафшон Қашқадарё, Сурхондарё, Шерободдарё, Бойсун дарёлари хавзаларида, Нурота ва Қурама тоғ этакларида, Хоразм воҳаси ва Фарғона водийсида жойлашган. Шулардан энг кўп сонли қисми XX аср бошларида Бухоро амирлигида (130 мингдан кўпроқ манғитлар, 35 мингдан ортиқ кенагаслар, 86 мингга яқин кўнғиротлар), Туркистон ўлкасининг Самарқанд вилоятида (52 минг қипчоқлар), Тошкент ва Сирдарё вилоятларида (50 мингга яқин қурама) яшаган<sup>10</sup>.

Мазкур субэтнослар XIX аср охири - XX аср бошларида маиший турмуш, урф-одат ва тилдаги хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилса-да, ягона ўзбек элати эканлигини исботловчи белгиларини сақлаб қолиб, ўзларини «ўзбек» деб номлаганлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ижтимоий-сиёсий муҳитнинг жадал ўзгариши ҳам муайян этноснинг кейинги тараққиётига ижобий ёки салбий таъсир ўтказади. Ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилиши билан Ўрта Осиёда ўтказилган сунъий равишдаги миллий-худудий чегараланиш сиёсати натижасида ўзбек халқи тараққий этаётган тарихий макон қисқариб, унинг таркибида ассимиляция, консолидация бўлаётган этник гуруҳлар бошқа қардош халқлар таркибида қолади ва унинг акси ҳам рўй беради. Демак,

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар.-Т., Янги нашр, 2011.-Б.12.

академик К.Шониёзов таъбири билан айтганда, этноснинг иқтисодий ва маданий тараққиёти учун у яшаб турган ҳудудда осойишталик, барқарорлик ҳукмронлик қилиши керак бўлган. Афсуски, бу даврда барқарорлик ўрнини парокандалик ва сиёсий бошбошдоқлик эгаллаган эди. Бир томондан, советлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилган бўлсалар, ўлкада уларга қарши қуролли кураш авж олган эди. Шундай бўлсада, кейинчалик минтақада вужудга келган нисбатан барқарор вазият ўзбек халқининг кейинги этник-маданий тараққиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Иккинчи субэтноснинг ташкил топиши қуйидагича бўлганлигини кўришимиз мумкин. Мўғуллар босқинидан аввал Ўрта Осиёдаги туркий тилли элатларнинг ўтроқлашиш жараёни бўлса ҳамки, тўлиқ ўтроқлашишга улгурмаган.

Маълумки, мўғул босқинидан сўнг Ўрта Осиё минтақаси Чигатой улусининг бир қисми ҳисобланган. Бу даврда янги чорвадор қабилаларнинг узлуксиз миграцияси кучайди. Уларнинг катта қисми туркий тилли этник компонентлардан ҳам иборат эди. Бу даврда Ўрта Осиёга барлос, мўғул, калтатой, кенагас, чинос, боввут, далварзин ва бошқа уруғларнинг пайдо бўлганлиги ҳақида Тарихчи Рашид ад-дин эслатиб ўтади<sup>11</sup>. Бу этник компонентлар Тошкент воҳасининг водий ва дашт ҳудудларига, Фарғона водийси, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Ҳисор ва Амударёнинг ўнг қирғоғида тарқалганлар. Улар дастлаб чорвачилик билан шуғулланиб, кўчманчи турмуш тарзига эга эдилар. Аммо, вақт ўтиши билан ўтроқлаша бошлади ва деҳқончилик турмуш тарзида етакчи ўринни эгаллашди. Уларнинг даврларда ўтроқлашишига яйловларнинг қисқа фаслли характери чорвачилик билан шуғулланишларини чегаралаб қўйиши ва, аксинча суғорма деҳқончиликнинг маҳсулдорлиги каби омиллар сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида, ўтроқ аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқлар билан бевосита

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар.-Т., Янги нашр, 2011.-Б.13.

туташ ҳудудда бўлган чорвадор аҳолининг бир қисмида ўтроқлашув жараёнининг жадал кечишига олиб келди.

Мазкур қабилавий гуруҳлар йирик ёки кичик этнии тузилмалар тарзида XX аср бошларига қадар сақланиб қолган бўлиб, улар қарлук, мўғул, барлос, турк, калтатой, муоабозори сингарилардир. Мовароуннаҳр ҳудудига кўчиб келган ушбу этник гуруҳларнинг сони бир қадар кўп бўлиб, улардан баъзилари ўз номларини топонимикада қолдирган бўлса, баъзилари эса кўшни этник гуруҳлар билан аралашиб кетди ёки янги жойларга кўчиб кетган. Масалан, кўпгина аҳоли пунктларининг этник гуруҳлар номи билан аталишини кўришимиз мумкин. Буларга Дўрмон (кўплаб аҳоли масканлари, хусусан Тошкент шаҳрининг шимолидаги аҳоли маскани номи), Чиноз (Тошкент вилоятидаги йирик туман), Сирғали (Тошкент гааҳри тумани), Қарлук (Сурхондарёдаги қишлоқ), Қатағон (Республикамизнинг кўпгина қишлоқлари), Қўнғирот (ҚҚР) тумани қабиладир. Ушбу этник гуруҳлар аллақачон ўз номларини унутган бўлсалар-да, (айниқса, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида) уларнинг номи топонимларда сақланиб қолганлиги бизга қачонлардир ушбу ҳудудларда мазкур этник гуруҳларнинг яшаганлигидан далолат беради.

Туркий халқлар таркибидаги йирик этник гуруҳлардан бири - қарлуклардир. Улар республикамизнинг жанубий вилоятларида ўз этник номларини унутмаган ҳолда XX аср бошларига қадар йирик аҳоли масканларида муштарак тарзда сақланиб қолган эди. Барлослар эса Зарафшон водийсида, собиқ Қоратепа, Панжикент волостларида ва Нурота, Молгузар тоғларида, шунингдек, Туркистон тизмаси этакларида учрайдилар<sup>12</sup>. Калтатойлар Сурхондарёнинг юқори ва ўрта оқимида ҳамда Нурота, Молгузар тоғ этакларида ва Туркистон тоғ ёнбағирларида, шунингдек, Қашқадарёнинг Китоб тумани ҳудудларида тарқалганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошларида Жанубий Ўзбекистон ҳудудида аҳолининг этник таркиби ниҳоятда мураккаб бўлиб,

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар.-Т., Янги нашр, 2011.-Б.14.

кадимдан ўтроқ аҳолининг анчагина қисми бу ҳудудда ҳам яшаган. Масалаи, Сурхон-Шеробод водийси турли миллат ва элатлар билан қўшни бўлган чегара ҳудудларда жойлашганлиги сабабли ҳам мураккаб этник таркибга эга. Бу ҳудудда ўзбеклар билан бир қаторда турли миллат вакиллари тожиклар, туркманлар, араблар, афғонлар ва бошқалар бевосита қўшни ва аралашган ҳолда яшайди. Шунингдек, Жанубий Ўзбекистоннинг ўтроқ аҳолиси турли тарихий даврларда бу ҳудудда жойлашган субэтник гуруҳлар муштарак этник бирликни ташкил этса-да, келиб чиқиши, антропологик қиёфаси, лаҳжалари хўжалиги, турмуш тарзи, урф-одатлари ва айрим уруғ-қабилачилик анъаналарини сақлаб қолганлиги билан муайян даражада тафовутларга эгадир.

Бир қатор адабиётларда қайд этилганидек, водий аҳолиси тил хусусиятларига кўра қуйидаги уч гуруҳдан ташкил топган туркий гуруҳга мансуб ўзбеклар, туркманлар ва қозоқлар, эроний гуруҳга - тожиклар, афғонлар ва камсонли форслар, шунингдек, семит гуруҳини ташкил этувчи араблар ва қисман яҳудийлардир. Воҳа бўйлаб бир текис жойлашмаган аҳоли дарёбўйи ва унинг ўрта оқимларида, яъни тоғ олди ва ўрта тоғ зоналарида зич жойлашган. Воҳада ўзбек халқининг таркибидаги муҳим қатлам -туркий қабилаларнинг авлодлари турклар, калтатойлар ва тоғчи катағонлар ҳам кўпчилиқни ташкил этган.

Ўзбекистон ҳудудида арғунларнинг жуда оз қисми - 13 минг кишига яқини ўз этник номларини XX аср бошларига қадар сақлаб қолганлар. Улар Тошкент атрофида ва Зарафшон водийсида яшаган<sup>13</sup>. Кичик гуруҳлари эса тарқоқ ҳолда Фарғона ва Қашқадарёда яшашган.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар.-Т., Янги нашр, 2011.-Б.19.

## **II БОБ. АҲОЛИНИНГ ЭТОҲЎЖАЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЭТНОСЛАРАРО САВДО АЛОҚАЛАРИ**

### **2.1. Аҳолининг хўжалик алоқаларида этник ва локал хусусиятлари.**

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг жанубий ва шимолий-шарқий ҳудудларида кечган этник жараёнлар, хўжалик анъаналари, моддий ва маънавий маданияти бир қадар ўрганилган. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади хўжалик-маданий типларнинг турли шаклларига эга бўлган ўзига хос тарихий-этнографик минтақа ҳисобланган, аҳолисининг хўжалик фаолиятида деҳқончилик қадимги даврлардан устун турган Ўзбекистоннинг шимолий-шарқий ҳудуди - Фарғона водийси ҳамда XX аср бошларигача хўжалигида чорвачилик устун турган Жанубий Ўзбекистон минтақаси (Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятлари) аҳолиси хўжалик анъаналарининг қиёсий таҳлили асосидаги илмий материаллар баён этилади. Шунингдек, ушбу қисмда деҳқончилик ёки чорвачилик устун турган шароитда этник жараёнларнинг ўзига хос тарзда кечишини, ярим ўтроқ аҳолини ўтроқ турмуш тарзига ўтиш омилларини этнографик материаллар кўплаб илмий маълумотлар асосида таҳлил этиш кўзда тутилган, турли халқларнинг турмуш тарзи ва маданияти характери, миллий ҳис-туйғулари ҳам маҳаллий тупроқ ва сув ресурсларига, табиий ўсимликлар, бошқа ер усти ҳамда ер ости бойликларига қараб шаклланади. Албатта, хўжалик-маданий типларнинг йўналишлари ўз навбатида теварак-атрофдаги табиий муҳит билангина эмас, балки муайян этносларнинг ижтимоий-иқтисодий ривож даражаси билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон ҳудудини илмий адабиётларга асосланиб у ёки бу хўжалик-маданий типларга ажратиш мумкин. Улар шартли равишда: 1) суғорма деҳқончилик, 2) боғдорчилик, чорвачилик билан биргаликдаги тоғ ва тоғ олди деҳқончилик хўжалиги ва 3) дашт деҳқончилиги ва яйлов чорвачилиги зоналарига бўлинади. Биринчи зонага кўпроқ Фарғона водийси, ўрта

Зарафшон воҳаси, Тошкент воҳаси ва Хоразм воҳаларининг қадимги деҳқончилик ҳудудлари кирган бўлса, иккинчи зонага Самарқанд вилояти (Ургут, Нурота), Қашқадарё (Китоб, Шахрисабз), Тошкент (Бўстонлик, Бекобод, Ангрен, Оҳангарон), Жиззах (Фориш), Сурхондарё (Бойсун, Сариосиё) вилоятларининг тоғ ва тоғолди минтақалари киради. Учинчи зонага эса Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё ҳамда Зарафшон воҳасининг дашт ва ярим дашт минтақалари киради. Аниқ фактларга таянадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг табиий-географик шароитига кўра зоналари қуйидагича: тоғли ва тоғ олди зонаси (20,5%) суғорма ерлар зонаси (18,2%) ва қолгани бепоён дашт-яйлов ерлардан иборат бўлган .

Албатта, этнограф олима Б. Кармишеванинг фикрлари тифиз этномулоқот ҳудуди ҳисобланган Фарғона водийси учун айнан тўғри келса-да, хўжалигида чорвачилик етакчи ўринда бўлган Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларига хос жараён деб бўлмайди. Чунки, биз тадқиқ этаётган икки тарихий-этнографик минтақанинг этник таркибида (туркий компонентлар ҳисобига) ўхшаш бўлса-да, аммо уларнинг турмуш тарзи, хўжалик фаолиятида, қайси йирик этнослар қуршовида бўлиш жиҳатларига қараб айрим тавофутларга ҳам эга эдилар. Масалан, Фарғона водийсида илк ўрта асрлардан XX аср бошларигача келган ҳар қандай этнослар, уларнинг турмуш тарзи ва маданияти характер қандай бўлишидан қатъи назар тезда маҳаллий маданият, хўжалик анъаналари таъсирида ўзига хослик касб этади. Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида эса қарлук, турк каби этнографик гуруҳлар ўрта асрларданок жойлашиб қолганига қарамай, XX аср бошларигача чорвачилик анъаналарини сақлаб қолди. Ушбу таҳлилни батафсил давом эттириш учун Фарғона водийсининг табиий-географик шароити, турли этносларнинг хўжалик фаолияти ҳамда уларнинг ўзаро хўжалик алоқалари хусусида баъзи маълумотларни келтирамиз. Албатта, ушбу жараён илмий адабиётларда бевосита ёки билвосита ўрганилганлиги боис батафсил тўхталмасдан, тадқиқот учун баъзи муҳим жиҳатлари борасида фикр юритамиз.

Фарғона водийсининг кулай географик шароити нафақат ўлканинг иқтисодий, маданий тараққиётини таъминлаб берди, балки турли этник компонентлар оқимининг бу ерга келиб жойлашиб қолишида ҳам маълум даражада катта роль ўйнади. Бундан ташқари, Фарғона водийсининг табиий изоляцияланганлиги ўлканинг бир қадар осойишта бўлишига ва, ҳатто, баъзида сиёсий воқеалар таъсиридан ташқарида қолишига ҳам имкон берарди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, шоликор билан азалдан ўтроқ ўзбек, тожик ва уйғурлар шуғуллан келганлар.

Боғдорчилик ва узумчиликни ривож учун ҳам таби иқлим кулай бўлган. Айниқса, водийнинг жануби-ғарбий қисми Конибодом, Исфара, Сўх, Чиммон, Риштонда, асосан, ўрик дарахти етиштирилган. Ушбу жойларда тайёрланган қуритилган ўрик (туршак) Ўрта Осиёда жуда машҳур бўлиб, нафақа туташ минтақалар, балки Россияга ҳам сотиш учун чиқарилган. Шунингдек, Сўх, Исфара, Наманган, Ашт, Хўжанд, Қўқон, Ангрен ва, ҳатто, Тошкент воҳасида ўтроқ аҳоли томонидан мевасини истеъмол қилиш учун тут дарахтининг алоҳида навлар етиштирилган. Унинг мевасини қуритиб, тут майиз тайёрланган янчиб талқон қилинган ва хумга солиб каллақанд тайёрланган Водийнинг шимоли-ғарбий воҳаларида (Ашт, Пангаз, Поп, Чу Ахсикент, Наманган) тут мевасидан ташқари олма, узум, нокни алоҳида сермахсул навлари етиштирилган. Марғилон, Қўқон в Тошкент бозорларида уларни «наманган мевалари» қадрланган.

Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Янги Араб, Эски Ара қишлоқлари аҳолиси узум етиштиришнинг интенсив усуллари қўллаб, «войиш», «ишком» тоқзорларини яратганлар.

Водийсидаги ирригация ишларига ҳамда мироблар маҳоратига тадқиқотлари А. Миддендорф ҳамда Кушелевскийлар юқори баҳо берганлар.

Фарғона водийсида, одатда, йирик дарёлардан эмас, балки дарёларининг водийга чиқиш жойидан ҳамда дарё ирмоқларида сунъий суғоришда кенг

фойдаланилган.<sup>14</sup> Қорадарё ва Норин каби йирик дарёлардан канал қазиб сув чиқаришда ўзига хос нивелировка усуллари мавжуд бўлган. Мироблар сувнинг нишабини тўғри олишга ҳаракат қилганлар.

Албатта, канал қазиш, уларни кеч кузда ва эрта баҳорда тозалаш ишларини амалга оширишда жамоанниг ўрни катта бўлган. Айниқса, хашар йўли бидан катта каналлар, ариқлар қазилиб, ишга туширилган, Фарғонада турли усуллар қўлланилган «шикон», «лабгардон», «кувур», «кунда» фарғоналик мироблар кенг фойдаланганлар.

Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида хўжалик-маданий анъаналар ўзига хос табиий-географик муҳит, аҳолининг ранг баранг этник таркиби ва узок асрлар давомида қарор топган турмуш тарзи анъаналари таъсирида шаклланган. Унинг мўътадил иқлими, баҳор фаслининг эрта келиши, ёз фаслининг кўп давом этиб, қишнинг илиқроқ бўлиши қадимдан ихтисослашган икки хўжалик - маданий муҳим сув булоқ, дарё ва унинг ирмоқлари суғорма деҳқончилик ва, шунингдек, ярим дашт ва тоғ эса чорвачиликни баравар ривожланишига имкон хўжалик турларининг минтақадаги кўплаб этник доирасида ўзига хос тақсимоти мавжуд бўлганлиги буни қуйида Сурхон-Шеробод водийси ва Қашқадарё, хўжалик хусусиятларини этнологик қиёсий таҳлил этиш орқали билиб олишимиз мумкин. Сурхон-Шеробод водийси аҳолиси, Сурхондарё, Шерободдарё ва унинг ирмоқлари бўйида жойлашган эди. Тоғ ва тоғолди зоналарида, дарё воҳаларида, деҳқончилик, боғдорчилик устун турган турғун аҳоли хўжалигида чорвачилик етакчи бўлган ярим ўтроқ аҳоли яшар эди.

Иккинчи зонада эса, асосан, тоғ ва тоғолди ҳудудларида яшовчи тоғчи-катағонлар, чигатойлар, қарлуқлар ва тоғли тожиклар боғдорчилик, чорвачилилик ва зироатчилик била шуғулланганлар. Улар суғориш ишларида катта-кичик сойлардаги булоқлардан, дарёларнинг ирмоқларидан ва қисман

---

<sup>14</sup> Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан. - Т., 1977. - 32.б

Кўхитанг тоғ адирларидаги коризлардан фойдаланганлар. Улар суғорма деҳқончилик билан бир қаторда лалмикорлик ҳам қилганлар.

Учинчи зонада эса кўпроқ чорвачилик билан шуғулланувчи субэтник гуруҳлар - кўнғирот, юз, дўрмон кабилар Шерободдарё оралиғидаги дашт зоналарида, Боботоғ этакларида, Қизирши Бандихон, Музробод чўлларида чорвачилик билан, адирликларда эса лалмикор зироатчилик билан шуғулланганлар.

Ўзбекистон, хусусан, ушбу ҳудудининг дашт ва ярим дашт қисмида, яъни ўзига хос «кўчув даштлар»ида баланд тоғ ва тоғолди зоналаридан фарқ қилиб, яйлов ва ҳайдов чорвачилиги экстенсив деҳқончилик ва уй касб-корлиги билан боғлиқ равишда, сақланиб қолган эди. Бу эса советлар давридаги баъзи тадқиқотларда таъкидланганидек, кўчманчилик ҳаёт тарзи эмас балки минтақанинг хўжалик-маданий муҳитида анъанавий чорвачиликнинг табиий-географик шароитга мослашган шакл эди, холос.

Боғдорчилик, чорвачилик билан бир қаторда тоғ ва тоғ олди зироатчилик хўжалиги ривожланган ҳудудларда лалми деҳқончилик тараққий этган ва экиладиган истеъмолдаги ер суғорма ерлардан кўп бўлган. Бу ерларда ҳам алмашлаб экиш яхши йўлга қўйилган эди. Алмашлаб экиш учун бўш қолдирилган ер баҳорда икки марта ва экишдан олдин бир марта ҳайдалади. Бундай ерлар “манзара” ёки “марза”, деб аталади .

Шунингдек, бу зонада суғорилмайдиган ерлардан ташқари шартли суғорма ерлар ҳисобланган ва булоқлар суви билан суғориладиган ерлар ҳам бор. Уларнинг асосий хўжалиги лалми деҳқончилик билан боғлиқ чорвачилик эди. Бир қисм аҳоли ёзги яйловларга (овул) кўчганлар, бир қисми эса қишки доимий турар жойларда қолиб, экстенсив дончилик хўжалиги билан шуғулланганлар.

Баҳорда Каваксой, Белисиниқ, Дарвозакан, Селга, Таммасой, Бўрисой каби сойларда сувларни қатор ариқчалар шаклида тўплаб, текислик томон оқизганлар. Бу сувлар дарадан чиқиш жойдаги минглаб гектар ерларга лойқа оқаваларни оқизиб келган. Бу ерларни ўзбеклар “селга” ёки “селга ерлари”

деб атаганлар. Илк баҳорда бундай ерларда ҳеч қандай ишловларсиз буғдой, шунингдек, сабзавотчилик экинлари экилган. Деҳқончиликни бу тури халқ орасида “селовакорлик” деб номланган.<sup>15</sup>

Чорвачилик ҳам Ўзбекистон аҳолиси хўжалик фаолиятининг асосий ва энг қадимий турларидан бири. Бошқа ҳудудлар аҳолисининг чорвачилиги билан кўпгина ўхшаш жиҳатлари бўлса-да, Ўзбекистондаги этник гуруҳларнинг ҳар бирида уй ҳайвонларини боқишда ўзига хос усуллари ва жиҳатлари бўлиши табиий. Шу билан бир қаторда, ҳатто бир элат истиқомат қиладиган ҳудудда ҳам чорвачилик хўжалигини юритишдаги табиий-географик шароитлар туфайли, кўшни халқларнинг таъсири ёки ижтимоий-иқтисодий сабаблар натижасида хилма-хил усуллардан фойдаланганликларини кузатишимиз мумкин.

Чорвачилик хўжалигининг ўрганилаётган даврдаги қадимдан шаклланган бир қанча типларини учратиш мумкин. Булар, ярим ўтроқ чорвачилиги ёки ўтроқ хўжаликнинг бир соҳаси сифатида чорвачилик бўлиши мумкин. Бу чорвачилик типлари турли жойларда ўзига хос вариантларга эга бўлиши мумкин. Ўтроқ аҳолида чорва боқишнинг кўра ёки кўра-яйлов тизими, кўчманчи аҳолида эса яйлов тизими устун турган.

Маълумки, ўтроқ аҳоли билан ярим ўтроқ аҳоли орасида турли хилдаги чорва хўжалиги мавжуд бўлган. Ўзбеклар таркибидаги қарлуқ, турк, кўнғирот, юз, манғит каби йирик субэтник: гуруҳларнинг авлодлари чорвадор ҳисобланганлар. Улар баҳорда кўйлар болалагандан кейин подани тоғ ва адирлардаги яйловларга ёки дашт ўтлоқларига ҳайдаб чиққанлар. Одатда, яйловларда аёллар ва ўсмирлар бўлган. Эркаклар водийда деҳқончилик ишлари билан банд бўлиб, вақти-вақти билан яйловга чиқиб, озиқ-овқат етказиб турганлар. Фарғона водийсининг табиий шароити экстенсив чорвачиликнинг ривожини ҳам таъминлаб берди. Ёзда Фарғона

---

<sup>15</sup> . Ашуров А. Этнос муаммоси замонавий тадқиқотчилар талқинида // Ўзбекистон тарихи 2005 № 3  
Б. 42-53

водийсини ўраб турган тоғ тизмалари томон чорвадор аҳоли ўз чорваларини ҳайдаган бўлсалар, қишда чўл зоналари уларнинг чорвалари учун яйлов сифатида хизмат қилган. Албатта, яйлов чорвачилиги билан XIX аср охирларида у ёки бу ҳолатда зодийнинг ярим ўтроқ (ярим кўчманчи) аҳолиси шуғулланар эди. Тадқиқотларда эътироф этишича, ушбу тарихий-этнографик ҳудудда яшаб турган азалий чорвадор аҳоли ҳам ўз ўрнида турган ўзбек, тожик аҳолининг чорвачилик хўжалиги ривожига сезиларли таъсир кўрсатган. Фарғоналик қирғиз, қипчоқ, турк, курама, юз ва қорақалпоқлар каби чорвадор аҳоли билан турғун аҳоли орасидаги алоқалар чорвачилик соҳасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади.

Водийда Олой ва Арна водийси энг яхши ёзги яйлов ҳисобланган. Тўғри, улар Фарғона водийси чегарасидан ташқарида бўлса-да, қадимги даврлардан оқ иқтисодий тизгинлар асосида бевосита бир-бири билан боғлиқ эди. Яйловлар ҳам деҳқончилик зоналари каби этномулоқот воситаси бўлиб хизмат қилган. Чунки бунда водийнинг кўплаб этник жамоалари қирғиз, қипчоқ, турк, курама, юз, қорақалпоқ ҳамда ўтроқ ўзбек ва тожиклар ўз чорваларини боққанлар.

Ҳар бир минтақанинг ўз яйловлари бўлган. Масалан, Водил, Учқўрғон, Хўжанд, Белқишлоқдан жанубда жойлашган ерлар қирғизларнинг яйловлари бўлиб, бу ерларга Марғилон уездининг барча волостларидан ярим ўтроқ аҳоли (турк, қипчоқ, юз, араб ва қирғизлар) чорваларини боққанлар. Баҳорги дала ишларида сўнг ўтроқ аҳоли (ўзбеклар, тожиклар ва б.) ҳам чорваларини ҳайдаб келган. Натижада бу яйловларда ярим миллиондан оғаик чорва моллари тўнланган. Қутлуксаид, Косон, қисман Варзик, Тўрақўрғон волостларининг чорвалари учун эса Чотқол водийси яйлов ҳисобланган.

Асосий қишки яйлов сифатида Марказий Фарғонанинг чўл зоналари хизмат қилган. Хўжанд уездининг кенг дашт зоналарида Курама тоғ этагидаги чорвадор курама, юз каби этник бирликларнинг қишки яйлови ҳисобланган.

XIX аср ва XX асрнинг бошларида Фарғонанинг барча яримўтроқ аҳолиси чорваларининг сурувлари деярли бир хил бўлиб, чорваларининг тури ўтроқ аҳоли билан ўзаро алоқаларига боғлиқ бўлган. Сурувда қўй кўп бўлиб, эчки йилқи, йирик шохли мол, туя кам бўлган. Сурув таркиби этник анъаналарга кам даражада боғлиқ бўлган.

Қирғизларда илгари хўжалигида етакчи бўлган қўйчилик ва йилқичилик асосий ўринда турган бўлса, юз, турк каби этник birlikларда, асосан, қўйчилик етакчи хўжалик тармоғи ҳисобланиб, йилқичилик билан кам даражада шуғулланганлар. Ўзбек халқи таркибидаги турк этник компоненти Фарғона водийси этник-маданий муҳитида ҳам чорвачилик билан шуғулланганлар. В.С.Батраковнинг таъкидлашича, ҳозирги Андижон вилояти Хўжаобод туманида жойлашган 5000 бош қўйга эга бўлган чорвачилик фермасида асосий хизматчилар турк этник компоненти вакилларида иборат бўлган ва улар деҳқончилик билан деярли шуғулланмаган. Ушбу тадқиқотчининг информатори бунинг сабабини уларнинг ота-боболари фақат қўйчилик билан шуғулланиб келганлигини, чорвачилик фермаси ҳам турк этник гуруҳига мансуб йирик чорвадорлардан мусодара қилинган қўйлар эвазига ташкил этилганлигини билдиради. Турклар эчкини фақат сурувни бошловчиси «серка» сифатида боққанлар. Қурамаларда эса, аксинча, қўйдан кўра кўпроқ от ва эчки боқилган. Улар эчки жунидан қанор (қоп) тўқишда ва арқон тайёрлашда фойдаланганлар. Шунингдек, подаларида сут учун боқиладиган сигирлар ҳамда ўтовларни, бошқа шу каби юкларни ташиш учун мўлжалланган туялар ҳам мавжуд эди.

Ўтроқ зироатчилик билан шуғулланувчи ўзбекларда чорвачилик унча ривожланмаган, чунки суғорма ер танқислигидан хашак етмаган. Маҳаллий деҳқонлар оз сонли сигир, эчки ва қўйни сут-қатиқ ва гўшт учун, от ва эшакни миниш ва юк ташиш учун парвариш қилганлар. От-арава ва хўкизлар кўпроқ бой-бақувват оилаларда бўлган.<sup>16</sup> Ўтроқ аҳоли ўз моллари ва

---

<sup>16</sup> Бўриев О. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси этник тарихидан // Тарих, мустақиллик ва миллий ғоя. Тошкент “Академия” 2001. Б. 206-209

қўйларини жамоа бўлиб, махсус ёлланган чўпонларга боқтирганлар ва оғилхоналарда сақлаб боққанлар. Масалан, Фарғона водийсининг ўтрок аҳолисида деҳқончилик ишларини юритиш учун чорва ҳайвонларини сақлаганлар. Тадқиқотчи С.Губаеванинг ёзишича, Тўрақўргон волости Наманган уездида 10 таноф ерга эга деҳқон қўш хўкиз, эшак ва кам ҳолларда от ҳамда сигирга эга бўлган. Икки-учта қўйни сотишга ёки тўй-маросимларда сўйиш учун боққанлар ва, шунингдек, қўй жунидан уй шароитида кийгиз тайёрлашда фойдаланганлар. Бир ёки ярим таноф ерга эга бўлган камбағал деҳқонлар бир неча оила бўлиб, қўшхўкиз ва сигирга эга бўлганлар. Ўтрок аҳоли оз сонли чорваларини қишлоқнинг яқин-атрофларига кечгача боқиш учун ҳайдаб чиққанлар. Бу вазифани оила аъзолари ёки ёлланган чўпон бажарган.

Албатта, Фарғона водийсида чорвачилик анъаналарининг сақланиб қолиши табиий шароит билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, чорва маҳсулотларига аҳолининг эҳтиёжи катталигида эди. Шунингдек, бу ҳолатни кўчманчи чорвачилик анъаналарининг асрлар давомида ўтрок деҳқончилик шароитига мослашган шакли эди, деган хулосага келишимиз мумкин.

Жанубий Ўзбекистондаги экстенсив хўжалик шароитида чорвачиликка эътибор катта бўлган ва узоқ давр тўпланган амалий тажрибага таянган ҳолда авлоддан-авлодга етиб келган. Қўйчилик, асосан, сотишга мўлжалланган. Чорвачиликда, айниқса қорақўлчиликка катта эътибор берилган. Қорақўл қўйлари, асосан, текисликларда, яйловларда боқилган. Кузга яқин ҳосил йиғилгандан кейин подалар яйловлардан қайтарилиб, қишлоқдаги махсус ажратилган қўтонларда сақланган. Улар қишлоқ атрофидаги далаларда боқилиб, кечалари қўтонларда тўпланган.

XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистон минтақасида чорвага бўлган эҳтиёж, айниқса бўрдоқи қўйга талабнинг ортиши сабабли чорвадор аҳолининг бир қисми деҳқончиликни бутунлай ташлаб, фақат ҳайдов-ййлов қўйчилиги билан шуғулландилар. Ғаллачилик билан шуғулланмайдиган

яримкўчманчи аҳоли эса яхши яйловларга эгалик қилиб, тажрибали чўпонларни ёллаб машхур ҳисори қўиларни наслини асрлар давомида халқ амалий тажрибалари асосида яхшилашга эътибор қаратди.

1868 йилда Зарафшон воҳасига ташриф буюрган В.В.Радловнинг кўрсатишича, бу ерга қўйлар Шаҳрисабз ёки Қаршидан олиб келинган. Ҳақиқатдан ҳам Шаҳрисабз ва Қарши Бухоро амирлигининг қўйчилик ривожланган алоҳида минтақаларидан қўйларни ҳайдаб олиб ўтиладиган транзит-савдо йўлидир.

Амирликнинг бўрдоқи қўйчиликка ихтисослашган муҳим минтақаларидан бири Бойсун беклигидир. Н.А. Маевнинг таърифига кўра, ўзбек-қўнғирот уруғи, умуман бойсунликларнинг муҳим бойлиги тоғли минтақаларда ҳайдаб боқиладиган қўйчиликдир. Қишда Бойсун чорвадорлари қўшни Қашқадарё воҳасида Қарши ва Ғузор оралиғида жойлашган даштларга тушганлар. Ғузорда улар ўз чорвалаарини Қарши орқали Бухорога ёки Шаҳрисабз орқали Самарқандга олиб кетадиган чорва савдогарларига сотганлар. Бойсун бўрдоқи қўйчилиги юқори товар характерида бўлган.

Бухоро амирлигининг уруғ-қабилачилик гуруҳларидан уз, найман, ябу(жабу), месит, олчин ва бошқалар, баҳорги ва ёзги даврда Қарши чўлининг ғарбий қисмларида бир элбеги бошчилигида кўчиб юриб чорвачилик билан шуғулланган. Ших, сарик, қарлуқ, қипчоқ ва шу каби бошқа уруғлар эса Қарши чўлининг шимоли-шарқий қисмлари (Эски Ангор канали бўйлари)да Пўлоти қишлоғида жойлашган элбегига бўйсунган ҳолда ўз чорваларини боққанлар.

Найман, хитой, учуруғ, Ўрта Осиё араблари, Қарнабчўлнинг ғарбий қисмларини эгаллаган уруғлар Жийдалиқ қишлоғида жойлашган элбегига бўйсунган. Маълумки, Бухоро амирлигида дашт яйловлари маъмурий бошқарувчи элбеги қўлида бўлиб, уруғ-қабилалар ўртасидаги яйловларни чегаралари, чорвадан солиқ олиш (закот), яйловдан фойдаланганлик каби масалаларни ҳал қилган.

Маълумки, ўтмишда ўзбеклар қоракўл ва бўрдоқи кўйларни боққанлар. Қоракўл кўйларни Қарши чўлида (Қарши, Ғузур, Чирокчи бекликлари), Самарқанд ва Каттақўрғон уездларининг жанубий ва жануби-ғарбий қисмларини, шунингдек, Бухоро воҳасининг Қарши беклиги билан чегарадош зоналари ҳам киради.

Қоракўл кўйларини боқиш билан қарлуқ, найман, сарой, қатағон, манғит, месит, олчин, ковчин, ябу(жабу) хитой, уч-уруғ ва бошка уруғ-қабилавий гуруҳлар шуғулланганлар. Қоракўлчилик билан Қашқадарё воҳасининг жанубий қисмида (Помиқ, Муборак, Сарик) яшовчи туркманлар ҳамда Бухоро вилояти Олот туманидаги Ўрта Осиё араблари шуғулланганлар.

Қадимдан ўзбеклар бўрдоқи кўйчилик билан шуғулланганлар. Улар кўйларнинг қозоқи ва маҳаллий яхшиланган зот - жайдари ва, шунингдек, ҳисори зотларини яратганлар. Кўйларнинг жайдари ва қозоқи зотларини ўзбек-турклар, қурама, жуз, кирқ, минг, қипчоқ, қанғли каби этник гуруҳлар Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Жиззах уезди, Зарафшон водийсининг юқори қисми, шунингдек, Юқори Қашқадарё (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ) воҳаларида боққанлар. Ҳисори кўйларини эса Шарқий Бухоронинг Денов ва Ҳисор бекликларида яшовчи қарлуқ, турк, лақай, кўнғирот ва бошқалар боққанлар. Ўзбекистонда йирик шоҳли чорва билан ўтмишда ярим ўтроқ ва ўтроқ аҳоли шуғулланган. Кўпроқ тоғолди ҳудудларида яшовчи ўтроқ аҳолида йирик шоҳли чорванинг салмоғи катта эканлиги кузатилади.<sup>17</sup>

Йирик шоҳли чорва ҳам деҳқончилик районларида товар характерида бўлиб, шахсий хўжаликлар учунгина эмас, балки бозорда сотиш учун ҳам боқилган.

Ўзбеклар хўжалигида йилқичилик ҳам муҳим роль ўйнаган. Яримўтроқ ўзбеклар хўжалигида отдан миниш ва ташиш учун, яъни чорвани яйловга ҳайдаганда кўчишда, деҳқончилик хўжалигида ҳосилни ташишда,

---

<sup>17</sup> Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар - С. 2008. - 243 б

махсулотларни бозорга чиқаришда ҳамда ғилдиракли транспортда (арава), тегирмонни айлантиришда ва бошқа хўжалик ишларида фойдаланилган.

Ўзбекларда уюр йилқичилиги қозоқ, қирғизлардаги каби кенг ривожланмаган. Фақатгина лақайлар, Зарафшон воҳасида митанлар, Нурота туркманларида уюр йилқичилиги сақланиб қолган эди. Масалан, лақай бойларида 1000 бошга яқин отлар бўлган. Зарафшон воҳаси ўзбекларида 200-300 бош, йирик бойларда эса 600 бошдан кўпроқ йилқилари бўлган. Ўзбекларда, асосан, қорабайир, лақай, турк ва қисман араб отлари парвариш қилинган. Отларнинг қорабайир зоти Зарафшон, Фарғона водийсида ҳамда Тошкент воҳасида энг кўп тарқалган.

Дехқончилик бу зонада тез-тез қурғоқчилик сабабли қатъий бўлмаган. Шу сабабли камбағал деҳқонлар маълум даражада чорвачиликка ҳам таянганлар. Бу аҳоли гуруҳи Сурхон ва Шерободдарёнинг кенг водийларида ҳайдов-яйлов чорвачилигини шоликорлик билан қўшиб олиб борганлар. Бир қадар қурғоқ зоналар - Бойсун, Шеробод ва Келиф бекликларида туячилик ҳам ривожланган. Бу хўжалик-маданий муҳитда фақат бой чорвадорларнинг чорвачилиги юқори товар характерида бўлади.

Бу минтақа аҳолиси хўжалигидаги яна бир муҳим хусусият - бой чорвадорлар асрлар бўйи шуғулланиб келган анъаналарига зид равишда товар характерига эга бўлган ғаллакорлик билан шуғуллана бошладилар. Айнан улар етарли ишчи ҳайвонларга ва деҳқончилик қуролларига эга эдилар. Бу ерда етиштирилган бугдойларни Термиз, Керки (Туркменистон Республикаси), Хивадан савдогарлар келиб сотиб олганлар ва Амударё орқали олиб кетганлар .

XX аср бошларида ўрганилаётган минтақада ҳайдов-яйлов чорвачилиги хўжаликнинг асосий ва ятона тармоғи сифатида сақланиб қолган эди. Бу типдаги хўжаликка Дашти Қипчоқ этник гуруҳларидан олдин жойлашган қарлук, турклар номи билан маълум бўлган этник гуруҳлар ва бошқалар кирган. Деҳқончилик маҳсулотларини улар яйловда ўзаро савдо-сотик алоқаларида бўлган тоғли тожиклардан ёки бозордан сотиб олганлар. Бой

чорвадорлар Ғузур, Қарши, Ургут, Тошкент ва бошқа жойлардан келган чорва савдогарларига сотганлар. Шу билан биргаликда улар узун ва ингичка жунни баҳорда ўз чорваларини Афғонистондан жанубий Тожикистон орқали Қўқонга сотишга кетаётган араблар ва афғонларга алмашишган. Қарлук, турк ва қўнғиротларнинг ёрдамчи хўжалиги авлоддан-авлодга ўтиб келган чўпонликдир.

Бой чорвадорлар асрлар бўйи шуғулланиб келган анъаналарига зид равишда товар характерига эга бўлган ғаллакорлик билан шуғуллана бошладилар. Айнан улар етарли ишчи хайвонларга ва деҳқончилик курулларига эга эдилар. Бу ерда етиштирилган буғдойларни Термиз, Керки, Хивадан келган савдогарлар сотиб олиб, Амударё орқали олиб кетганлар.

Хўжалигининг асосини чорвачилик ташкил этган Мовароуннаҳр турклари, қарлук, қўнғирот, дўрмон, юз каби йирик этник гуруҳларда хайдов-ййлов ёки ййлов-ййлов (ёзги ййловдан қишги ййловга кўчиш ёки аксинча) тизимидаги чорвачилик фаолияти интенсив характерга эга бўлиб, яратилган чорвачилик маҳсулотларининг товарлик хусусияти юқори эди.

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ва жанубий минтақаларида деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳолининг ўзаро муносабати, этник мулоқоти натижасида тараққий этиб борган.

## **2.2. Этномаданий жараёнлар ва этносларнинг ўзаро савдо-содик муносабатлари.**

Инсон турмуши ижтимоий-иқтисодий тузум билан шартланган ҳолда доимо миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгаришларга учрашига қарамай, унинг ҳаётидаги бурилиш нуқталари (масалан, туғилиш, балоғатга етиш, меҳнат фаолиятининг бошланиш, никоҳ, ўлим ва х.к.) барқарорлигини сақлаб қолади ва инсон ўз ҳаётининг ана шундай бурилиш нуқталарини маълум бир ижтимоий маросим орқали қонуний тусга киритади. Қолаверса, тарихдан маълумки, ҳар бир халқнинг бошқа бир халқдан ажратиб турувчи муҳим этнографик : белгиларидан бири ҳам айнан унинг маросимларидир.

Маросим - инсон ҳаётининг моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келадиган ходисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди. Маросимларни халқ маданиятининг феномени тарзида ўрганиш долзарб муаммолардан биридир. Айниқса, республикамызда миллий қадриятларимизга ва маънавий меросимизга давлат миқёсида эътибор берилаётган тарихий бир жараёнда мутахассис олимлар томонидан анъанавий маросимларимизни тадқиқ қилишда уларнинг ёзма тавсифинигина бериш билангина чекланиб қолмай, қадимий тарихга эга бўлган урф-одат ва маросимларимизнинг халқ турмуши ва анъанавий маданиятда

тутган ўрни, уларнинг генезиси ва ўзига хос хусусиятлари, сақланиш омиллари ҳамда этник ва умумминтақавий хусусиятларини таҳлил этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.<sup>18</sup>

Фанда қабул қилинган ўзига хос мезонларга кўра инсоиият ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари билан боғлиқ тарзда ўтказиладиган тадбирлар оилавий маросимлар деб юритмайди.

---

<sup>18</sup> Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва тазия маросимлари. Т., 1996.-.32.6

Оила ва оилавий маросимлар этносга хос маданий ва маиший анъаналар узатувчиси ҳамда давомчиси хисобланади. Инсонларнинг ҳаёт фаолияти билан боғлиқ анъаналар ижтимоий-сиёсий анъаналарга қарагагада бирмунча мутаассиброкдир. Туғилиш, никоҳ ва ўлим - бу наинки тафаккурга йуналтирилган, балки хиссиёт ва рух билан боғлиқ муҳим босқичлардир. Қолаверса, мазжур жараёнларда этносга хос ва локал маҳаллий хусусиятлар, миллий менталитет асослари бирмунча ёрқин намаён бўлиши боис, бу туркумга кирувчи маросим ва урф-одатлар этник дунёқараш асосларини тадқиқ қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

Жанубий Ўзбекистоннинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийсининг Ўзбекистон худудига кирувчи Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйлаб йиққан дала-этнографик материалларимизни маҳсус маиший-этнографик адабиётлардаги маълумотларга таққослаш асосида оилавий маросимларни кенг тарихий-этнографик йуналишга таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Жанубий Ўзбекистон минтақасида кўпроқ этник хусусиятлар, уруғчилик анъаналари Фарғона водийси халқларида эса ўтроқ аҳолига хос жамоавийлик анъаналари хусусиятлар устувор эканлигини кузатиш мумкин. Лекин шубҳасиз, бу даврда Ўрта Осиё, хусусан Фарғона водийси ва Жанубий Ўзбекистон халқларининг анъанавий оилавий урф-одат ва маросимларидаги умумминтақавий жиҳатлар ҳам мавжуд бўлиб, булар, асосан, қуйидаги уч хусусиятда ёрқин намаён бўлади:

*биринчидан*, барча маҳаллий халқларнинг оила-никоҳ муносабатлари ва урф-одатларида жамият тараққиётининг илк даврлари учун хос бўлган матриархат ва патриархат тартиб қолдиқлари диний анъаналар, хусусан, магия, аждодлар эътиқоди, табиат култи(олов, сув, ўсимликларнинг маросимий аҳамияти) ноисломий маросимлар билан ўзаро синкретлашган ҳолда сақланиб қолганлигида;

*иккинчидан*, этник мансублигидан қатъи-назар барча халқларнинг турмуш тарзида инициацион маросимларнинг мавжудлигида;

учинчидан, Фарғона водийси ва Жанубий Ўзбекистон аҳолиси оилавий маросимлари деярли бир хил кетма-кетликда амалга оширилишида. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, мазкур умумминтакавий хусусиятлар айни вақтда у ёки бу этник жамоа ҳаётида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Умуман олганда, тадқиқ, қилинаётган тарихий-этнографик минтақалар буйича ёзилган илмий адабиётлар ҳам шундан дадалат берадики, оилавий-турмуш маросимлардаги наинки айрим кўринишларгина ўхшаш бўлмасдан, балки ушбу туркумга кирувчи кўплаб маросимларнинг аксарияти моҳиятан ягона бир мақсад, яъни ҳаётнинг турли босқичларидан инсонларни муваффақиятли ўтиб олишига ёрдамлашиш ва ўз навбатида ердаги ҳаётнинг давомийлигини таъминлашга қаратилган.

XIX аср бошларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларида оиланинг, асосан, икки шакли мавжуд бўлиб, булардан биринчиси «катта патриархал оилалар», иккинчиси эса «кичик» ёки «оддий оилалар» номи билан илмий адабиётларда юритилади.

Шунинг ҳам айтиб ўтиш ўринлики, оиланинг ҳар икки шакли, аҳолининг ҳўжалик йўналиши ва турмуш тарзидан қатъи назар, барча этник жамоаларда учрайди. Бу ҳақида СМ. Абрамзон, К Шониёзрв, Т.А. Жданко, Л.П. Потапов, эр-хотин Наливкинлар, Н.А. Кисляков ва Х.Г. Ишонкулов каби тадқиқотчиларнинг асарларидан етарлича маълумотлар олиш мумкин.

XIX - XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистон ва Фарғона водийсида учрайдиган барча бундай патриархал катта оилаларда ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби оилавий муносабатлар патриархал тартиблар асосига қурилган эди. Катта патриархал оилаларда оила бошлиғи - ота авторитар мавқеига эга бўлиб, оила билан боғлиқ барча масадаларни хал қилшида у асосий роль ўйнаган. Шу жумладан, оила-никоҳ муносабатларида ва оилавий урф-одат, маросимларни бажариш ва ташкиллаштиришда ҳам оила бошлиғининг мавқеи асосий аҳамият касб этди.

Энди эса бевосита оила-турмуш анъаналарини асосини ташкил этувчи айрим маросим ва расм-русумлар ҳамда уларнинг локал ва

умумминтакавий хусусиятлар борасида бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтсак. Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, оила маросимлари ичида бола тузилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимлар ўзига хос ўринни эгаллайди. Чақалоқнинг соғлом ва тетик бўлиб ўсиши, унинг она қорнидалиқ Давридаёқ бало-қазолардан, ёмон рухлардан қанчалик мустахкам химоя қилинишига боғлиқ деган ишонч турли 'афсунгарлик кўринишидаги урф-одат ва маросимлар пайдо бўлишига сабаб бўлган. Хусусан, Фарғона водийсида хомиладор аёл сақч чайнаса, боласи йиғлоқи бўлади, оғироёқ аёл ерда ётган арслоннинг устидан хатлаб ўтса, чақалоқининг киндиги бўйнига ўралиб- тушади, агар оқар сувда чўмилса, сув парилари зиён етказди дейилса, Қашқадарё вилояти Косон тумани қарлуқларда ва Бойсун туманида яшовчи кўнғиротларда хомиладор аёл чудон таёғи устидан хатлаб ўтса, болани бурни узун бўлиб туғилади деган иримлар мавжуд.<sup>19</sup>

Аркон билан боғлиқ иримда ип ва киндикнинг шаклий ўхшашлиги асосга олинган бўлса, чўпон тайоғи, косов, сув хақидага иримлар бевосита анимизмга бориб тақалади. Кекса ёшли момоларимизнинг айтишларича, сув айрим ёвуз рухларнинг макони бўлиб, кечаси сув олдига ёлғиз бориш хавфли, бу пайтда сувдаги рухлар кишига дахл қилиб кўйиши мумкин. Чўпон таёғи азалдан муқаддас ашё бўлгани учун уни тепиш, хатлаб ўтиш гуноҳ саналган. Қолаверса, ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, оғироёқ аёл то кўзи ёрмагунича сочини қирқмаслиги лозим бўлган, акс холда боласининг умри қисқарар эмиш. Хомиладор аёл кўзгуга кўп қараса, чақалоқ хунук, бадбашара бўлади деб ирим килинган. Бундан ташқари оғироёқ аёл мурдани кўриши, ахлат ташланадиган ифлос жойлардан юриши, мағзава тўкилган ёки ҳайвон сўйилган ерлардан ўтиши, ифлос кийимларда юриши, супургини устидан хатлаб ўтиши ҳам таъқиқланган. Сурхондарёда хомиладор аёл бўш копнинг

---

<sup>19</sup> Жўраев М. Соч магияси ва у билан боғлиқ маросимлар // Ўзбекистон этнологияси янгича қарашлар ва ёндашувлар.-Т., 2004.Б.42-43

устига ўтирса, тиш оёи чўзилади деган тасаввур бўлган. Шунингдек, хомиладор аёллар тескари кийим кийиши, нарса ва буюмларни оғзини беркитиб тикиши, умуман тескари ишларни бажариши таъқиқланган. Умуман олганда мазкур урф-одатлар ва маросимларнинг барчасини асосида рамзий афсунгарлик, магия каби кадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ, тасаввурлар мужассамлашган.

Фарғона водийсининг Косонсой, Чуст, Поп, Янгиқўрғон, Олтиарик туманларида хомиладор аёл баъзи овқатларни ва емишларни ейиши хам таъқиқланган. Чақалокнинг соғлигини сақлаш, уни ўз вақтида дунёга келишини таъминлаш мақсадида хомиладор аёлга туя гўштини ейиш маън қилинган.

Қадимги мифологияда куч-қудрат, ҳокимият, хосилдорлик ва давлат тимсоли сифатида муқаддаслаштирилган туя гўштини еган аёл вақтидан анча ўтказиб туғади деган ақидага кўра унга бу ҳайвоннинг гўштини ейиш таъқиқланган. Мабодо бирон тасодиф билан оғироёк аёл туя гўштини еб кўйган бўлса, кўнгилсизликнинг олдини олиш учун турли афсунгарлик иримлари бажарилган. Жумладан, хомиладор аёлнинг эрига хам туя гўшти едирилган. Бўлғуси отага туя гўштини едириш орқали гўёки унинг афсунгарлик таъсири кесилган.

Тадқиқ қилинаётган хар икки тарихий-этнографик минтақада хам чақалок ҳаётини ёвуз кучлардан, ёмон кўзлардан, турли хил балолардан асраш учун хомиладор аёл совуқ маъракаларга бормаёди. Бу хомиладор аёл ва туғилажак чақалокнинг химоясига қаратилган кабилардан бири бўлиб, хозирги вақтда хам халқимиз орасида кенг тарқалган.<sup>20</sup>

Ўзбекларнинг туғиш олди урф-одатларига кўра, хомиладор аёл тикиш билан шуғулланиши, мунчоқ тақинчоқлар тақиши таъқиқланган. Фарғона водийсида хомиладор аёл туғилажак чақалокқа хушфёъл, хушмуомала

---

<sup>20</sup> Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., 1993.-56.б

бўлиши учун ҳеч кимнинг дилини оғритмаслиги лозим дейилган. Агар она баджаҳл ва кўрс бўлса, боласи ҳам бадфеъл бўлади деб ирим қилинган.

Демак, минтақа аҳолиси чақалоқнинг феъл-атвори туғилмасдан илгарироқ шаклланишига, унинг келажакда қандай одам бўлиши хомиладор аёлнинг хатти-харакатлари, характери ва онани ўраб турган ижтимоий муҳитга боғлиқлигини билишган. Чақалоқ туғилмасдан илгари қандай ният қилсанг, шу ниятинг амалга ошади деган магик тушунча шундай ирим ва табулар моҳиятини ташкил қилади.

Тадқиқ қилинаётган ҳар икки минтақада ҳам бола туғилиш пайтини тўлғоқ даври дейилади. Бу вақтда Қашқадарё катағонларида хомиладор аёлнинг эғнидаги турли-туман такинчоқлари ва темирдан ясалган қаттиқ буюмлари тўлғоғи темирдай қаттиқ бўлмасин деб ечиб куйилган. Тўлғоқ тутганда Фарғона водийси кипчоқларида аёл бошига оқ рўмол ўралган. Бунда бахт йўли оқ бўлсин деган рамзий маънони билдирган. Туркий халқларда бўлгани сингари водий ўзбекларида ҳам чақалоқ туғилиши пайтида болага ва онага турли инс-жинслар зиён қилиб, қаршилиқ кўрсатади деган тасаввур бўлган. Шунинг учун Наманган вилояти Косонсой туманида яшовчи қишлоқларда бу ҳақда ҳеч кимга айтилмаган, хаттоки кўшнилари ҳам сезишмаган. Агар бу ҳақда бошқалар эшитса туғиш чўзилиб, қийинлашади деган қараш бўлган.

Ҳар икки минтақада ҳам туғилган чақалоқнинг киндиги доя момолар томонидан умри узун, ризқи бутун бўлсин деган ниятда юқорига қараб кесилган. Ахборотчиларимизнинг айтишларича, киндик пастга қаратиб кесилса, гуёки бола йўлга юрган пайтда қора товон касалига чалиниб нобуд бўлар экан.

Хоразм ўзбекларида эса анча вақт боласи туғмаган аёллар фарзандли бўлганларида чақалоқнинг киндиги хонадон остонасига қўйилиб болта ёки ўроқ билан кесилган. Одатда бундай ҳолатда туғилган чақалоқларга Остонақул деб исм қўйилган. Чақалоқнинг киндигини остонага қўйиб кесиш одати кўшни қозоқ ва тожик халқларида ҳам учрайди.

Фарғона водийсида чақалоқнинг киндигини кесган доя момолар киндикни бирорта охорли матога ўраб, бешикнинг оёқ тарафига боғлаб қўйганлар. Киндикни бешикка қўйишда чақалоқ униб-ўссин, бевақт нобуд бўлмасин деган магик ният мужассамлашган. Қолаверса, боланинг киндиги бешикка осиб қўйилганда бола ўз жисмидан ажралган бўлакни излаб йиғламас экан. Халқимизда боланинг киндиги ўзига химоя остида бўлган. Чунки чилла даврида киндик йўқолиб қолса, бола турли касалликларга чалинади деган қўрқув бўлган.

Чақалоқнинг киндиги маълум вақтдан сўнг мевали дарахтнинг тагига қўмиб қўйилган. Мевали дарахтлар Ўрта Осиё халқларида яқин ўтмишгача қадимги хосилдорлик маъбудасининг рамзи ҳисобланган. Водийликларнинг юкоридаги одатларидан ушбу культ мархаматидан бахраманд бўлишга қаратилган ҳаракат кўринишларининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек яратувчилик ва ўлим илоҳиётининг асосий негизи ҳам хосилдорлик маъбудасига бориб тақалади.

Энди оила маросимларининг энг муҳим бўғинларидан бирини ташкил этувчи никоҳ маросимлари ва уларга хос умумминтақавий хусусиятлар ва этник ўзига хосликлар борасида тўхталиб ўтсак. Дунёдага кўплаб бошқа халқлар сингари ўзбек тўй маросимлари сирасида никоҳ тўйлари турли хилдаги маросимларга, урф-одатларларга бойлиги, элшунослик манбаларининг ранг-баранглиги билан алоҳида ажраб туради.

Никоҳ жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиланинг ахлоқий, ҳуқуқий асоси бўлиб, эр билан хотин ўртасидаги муносабатни меъёрга солади ҳамда уларнинг жамият олдидаги маънавий масъулиятларини белгилайди. Никоҳ ибтидоий жамиятнинг сўнгги давридан бошлаб умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган урф-одат бўлиб, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросим шаклини олди. «Никоҳ» арабча сўз бўлиб, эр-хотинликни шарият йўли билан қонуний расмийлаштириш, оилавий иттифоқ деган маънони билдиради. Никоҳ асрлар

мобайнида ҳаёт ва турмуш тарзи тажрибалари туфайли пайдо бўлган ва ҳозирги кўринишгача узоқ тадрижий йўлни босиб ўтган.

Никоҳ тўйи маросимлари - бу келиб чиқиши ва мазмунига кўра ранг-баранг бўлган, этник тавсиф олган ва маълум бир хўжалик-маданий типларига таалуқли символлардан ташкил топган маросим ва урф-одатлар, ҳаракатлар мажмуи бўлиб, унда халқнинг дунёкараши, ижтимоий, ҳуқуқий, этник ва эстетик қарашлари намаён бўлади. Ўз навбатида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбек халқи никоҳ тўйи маросимлари илмий адабиётларда анча кенг ёритилган. Шу боис никоҳ тўйи маросимларининг барчасига батафсил тўхталмаган ҳолда ушбу туркум маросимлардаги умумминтакавий ва локал хусусиятларни англаувчи муҳим кўринишларгагина тўхталиб ўтамиз.

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистон ҳудудида ҳам никоҳнинг бир неча тарихий шакллари сақланиб қолган эди. Хусусан, «эндогам», «эгзагам», «левират» (бева қолган ака ёки уканинг хотинига уйланиш), «сорорат» (хотини вафот этган йигит унинг синглисига уйланиш) каби никоҳ шакллари шулар жумласидандир.

Эндогам никоҳ таомилига кўра, ота-оналар томонидан «Суягимни булғамайман» нақлига амал қилиниб, қизлар бегона уруғга эрга берилмаган, ушбу никоҳ қариндошчилик ришталарини янада мустаҳкамлаш ва оила мол-мулкининг бегоналар қўлига ўтиб кетмаслигига қаратилган. Эндогам никоҳга кўра ака-ука, опа-сингил ва яқин қариндошларнинг ўғил-қизлари орасида никоҳ мақбул кўрилган. Сурхондарё вилояти Бойсун туманида яшовчи тоғчи-катағонларни, асосан, ички никоҳ маросимига амал қилинган, лекин ҳозирда бу анъана бузилиб бормоқда. Ахборотчиларнинг таъкидлашларича, тоғчи-катағонларни олдинлари Боботоғдаги тоғчи катағонлар билан никоҳ муносабатлари бўлган, лекин ҳозирда ўзаро оилавий алоқалар мавжуд эмас. Шунингдек, бу даврда Жанубий Ўзбекистонда никоҳнинг «далибли никоҳ» (қалин тўлаб уйланиш), бешик керти, «қарши (қайчи) қуда» (қиз алмашув), «ичкуёв», «левират», «сорорат» ва бошда шакллари кенг расм бўлган бўлса,

Фарғона водийсида бу никоҳ турларининг кўплари деярли истемолдан чиқиб улгирган эди.

Қалинли никоҳни амалга оширадиган «қулоқ тишлатар», «сирға тақди», «этакка солди», «оёқ боғлатди» («куган солди») каби одатлар ҳам борки, бўлар қиз болани ёшлигидан бирон-бир ўғил болага «бошини боғлаб», «адаштириб» ёки «бахшанна» қилиб қўйилганини билдиради.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, «эгзагам» никоҳга нисбатан халқлар орасидаги муносабат ҳар хил бўлган. Бир қатор этник жамоаларда (хусусан ўзбек, тожик ва уйғурларда) бундай никоҳ маъқулланса, бошқа халқларда (чунончи, қозоқ ва қирғизларда) «эгзагам» никоҳлар тақиқланган. «Эгзагам» никоҳларга қўйилган тақиқ ҳам турлича бўлган. Агар қозоқ ва туркманларда ҳам ота, ҳам она томон қариндошларидан бирига никоҳланиш тақиқланса, қирғизларда, жумладан, фарғоналик қирғизларда она томон қариндошларидан бирига уйланиш мумкин бўлган. Бироқ вақт ўтиши билан «эгзагам» никоҳлардаги чеклаш ўз кучини йўқота борган. Масалан, қирғизларда ота томон қариндошларидан бирига уйланиш учун, одатда, етти авлод ўтган бўлиши шарт ҳисобланган. Лекин XIX асрнинг 80-йилларига келиб уч ва ҳатто, икки авлоддан кейин ҳам никоҳланиш мумкин ҳисобланган. Никоҳдаги бундай чекланиш этник муҳит таъсирида ҳам ўзгарган. Маълумки, қорақалпоқларда ҳам «эгзагам» никоҳ қатъий ҳисобланган. Л.С. Толстов фарғоналик қорақалпоқларда XIX асрда бу чекланиш барҳам топганлигини таъкидлайди. Фарғона водийси этнологиясининг билимдонларидан бири бўлган элшунос олим У.С.Абдуллаев таъкидлашича, бунга сабаб, биринчидан, водийлик қорақалпоқларнинг бошқа худуддаги қорақалпоқлар билан алоқаси йўқолган бўлса, иккинчидан, ўзбек халқи урф-одатларининг таъсирда бундай чекланиш йўқолиб борган.<sup>21</sup>

---

<sup>21</sup> . Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар- С. 2008.- 243 б

Никоҳ Жанубий Ўзбекистон тожикларида янгадево деб номланган. Дехқонободлик Қодирова Бибигулнинг ҳикоя қилишича, унинг қайнонаси Дўланова Ойсара момо (тожик) XX асрнинг 30-йилларида Эшқурбонов Хонимга турмушга чиққан, Хоним вафот этгач, икки фарзанди билан мархумнинг укаси Эшқурбонов Ботирга турмушга чиқиб, ундан ҳам икки фарзанд қурган, Ботир ҳам вафот этгач, мархумнинг укаси Эшқурбонов Қодирга тегиб, яна беш фарзанд кўрган. Эшқурбонов Қодир акаларининг барча мол-мулкани авайлаб-асраб сақлаган ҳолда болаларига ота бўлиб, уларни тарбиялаб вояга етказган.

Дала материаллари Жанубий Ўзбекистонда истиқомат қилувчи тожиклар, араблар ва туркманларда ҳам азалдан никоҳнинг левират, сорорат шакллари бўлганлигини тасдиқлайди.

Хуллас, левират, сорорат асосида иқтисодий масала билан бирга фарзандлар етимлик жафосини тортмасин деган мазмундаги меҳрибонлик туйғулари дам ётади. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси ўртасида XX асрнинг 50-йилларидан сўнг, левират никоҳ шакли деярли учрамаса-да, сорорат 80-90 - йилларгача сақланиб қолган. Тадқиқ қилинаётган минтақаларда тўйгача бўлган муддатда келин ва куёв хуфиёна учрашиб туришган. Бу қочиб юриш одати кўпгина туркий тилли халқларда ҳам мавжуд бўлиб, воҳа ўзбекларида «каллик», Хоразмда «шопали» қозоқларда «урун бару», «урун келу», қирғизларда «куйу кеади», қорақалпоқларда «куеи улеу» деб аталган. Тожикларда эса «кангилабози» деб юритилган.

Жанубий Ўзбекистондаги турли этник гуруҳларда ҳам «каллик» турлича ном билан аталган. Масалан, «бахшида», «бахшидага бориш» (миришкор уруғи), «каллик» (чуют, кугчи уруги), «каллик уйин» (сарой уруга) дейилган бўлса, воҳа тожикларида «дасудабозлик» (Дехқонобод, Навобод қишлоғи), Муборак туркманларда (Сариқ қишлоғи) «боғишдабозлик» деб номланган. Помук туркманларда, Косон шахри тожикларида «калликка бориш» одати учрамайди.

Куёв «каллик»ка кечаси одамлар уйқудалигада яширинча яқин дўсти ёки янгаси хамроҳлигида борган. Учрашувни қизнинг янгаси, аммаси, турмуш курган опаси, қарлуқларда қизнинг онаси амалга оширган. Куёв «каллик»ка борганда келинга ва учрашувни уюштирганга совға (тақинчок, газмол, ширинлик) берган. Бунда қизнинг ота-онаси бохабар бўлсаларда, ўзларини билмаганликка олишган. Никоҳ тўйи бўлгунга қадар куёв келинникига яширинча бориб-келиб юрган, юмушларига ёрдам ҳам берган. Иқтисодий ночор, оилаларда эса бу хол очикча намоён бўлган ва жамоада айб саналмаган. Сурхондарё вилоятида Дашти Қипчок ўзбек уруғларида бошқа туркийларда бўлгани сингари «нон синдириш», «тўккиз тавоқ», «ижоб тўйи», «бет очар» каби маросимлар ўтказилади. Тўй жўнатишда бўлғуси келиннинг уйига 15-20 та кўй, бир қоп гуруч, қалин пули ёки шир(сут) ҳаққи берилади. Никоҳ олдинлари келиннинг уйида ҳозирда куёвнинг ҳонодониди маҳалла мулласи томонидан ўқилади. Аёлларни олдинлари никоҳдан сўнг бошига қатта салла ўраши расм бўлган, ҳозирда ўралмайди. Қизиғи шундаки, қатоғон аёллари ҳам никоҳдан сўнг Ўрта Осиё араблари сингари нагтиба тақишган.

Никоҳ тўйи куни келинникига келадиган қудалар ва куёв жўралар учун ширин таомлар тайёрланган, улар ажратилган махсус хонага киритилган. Камашни туманидаги Ертепа қишлоғида келган қудаларни махсус хонага киритилиб, кўзлари ачишгунча исириқ (хазорисванд) тутатилганки, буни «Дудцамов» (тугун қамаш) деб аташган. Албатта, исириқ зиён-заҳмат етказувчи барча инс-жинсларни (микробларни) ўлдиради деган ниятда тутатилган. Сўнгра қудагайлар олдиға шўрва, ош тортилган, аммо, куёв онасининг олдиға «қудагай жилик» (илик) солинган ош сузилган.

Этнографик маълумотлар қудаларға тортилган таомларда ҳам маълум рамзий маъно борлигини кўрсатади. Воханинг Губалак, Бешбулок, Тошкўргон қишлоқларида «қуда оши» тарзида ўтра оши, гўжа, мошкичири, ширгуруч («ширбиринч»), сут оши берилган бўлса, Ертепа қишлоғида эса қатиқланган гўжа ош, юпка кўйилган. Гўча оши кўнгилларнинг оқлигиға

ишора бўлса, юпка келин-куёв бир-бирига юпкадай ёпишиб кетсин, деган рамзий маънони англатган.

Воҳа қишлоқларида никоҳ маросимлари, асосан, кечкурун амалга оширилган. Куёв ўз жўралари («куёв навкар», «куёв огалар», «куёв ошналар») билан (кутчи ва чуют уругларида) келин хонадонига яқинлашганда маҳалла йигитлари уларга қарата кессаклар отишган («кессак паррон»га тутиш»). Бундан куёв жўралари ранжимасдан, удумга кўра келин томон йигитларига «шогулок» (жуни олинмаган бир ёшли улоқ) ёки пул беради. Дехқонобод қўнғиротларида ҳам куёв томонидан келин тараф йигитларига бир ёшли улоқ берилган, буни «сурвона» деб аташган. Берилган улоқни Агар улоқ берилмаса йигитлар зиёфат уюштиришиб, ўзаро биргаллашиб баҳам кўришган ва икки ёшга бахтли ҳаёт тилашган. Келин томон йигитлари тўйнинг тинч ва осойишта ўтказилишига халақит бераверишган.<sup>22</sup>

Келинни куёвниқига олиб келинаётганда унинг қўшнилари, яқинлари, маҳалла ва қишлоқ йигитлари араваларнинг йўлини тўсиб, совға, инъом талаб қиладилар. Бунинг учун арқон тортиб, йўлни тўсадилар. Халқмизда бу одат "йўл тўсиш" деб номланади. Ушбу одат республиканинг барча вилоятларида мавжуд бўлиб, бу удум Қашқадарё воҳасининг Косон туманида «бокон солиш», «йўл тўсиш», Жейнов қишлоғида «арғамчи тутиш», Дехқонобод туманида «пута тутиш», Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларида «таёқ ташлаш», «хон таёқ» *хом таёқ* деб номланган. Самарқанд вилоятининг айрим туманларида, Чимкентда ва бошқа жойларда "Бокон", "Арқон тутиш" деб юритилган. Арқон тутган кишиларга келин томондан тайёрлаб қўйилган ноз-неъматлар, белбоғ, рўмолча ёки пул берилган. Берилган инъомлардан йигитларнинг кўнгли тўлсагина йўлни очиб беришган.

Фарғона водийсининг Поп, Чуст, Косонсой туманларида келин тушган арава кўпинча икки қишлоқ ўртасидаги кўприклар устидан ўтаётганда ёки

---

<sup>22</sup> Махмудов К. Ўзбек таомлари. Т., 1960.-74.б

келиннинг кишлоғидан чиқиш жойидаги тор жойда тўсилган. Биз шу ўринда "кўприк" деталига тўхталиб ўтсак. Қадимги аجدодларимиз эътиқодига кўра кўприк - тириклик ва ўликлар дунёсини бир-бирига бирлаштириб турувчи сеҳрли восита деб қабул қилинган.

Водий никоҳ тўйларидаги "йўл тўсиш" удумининг оммалашуви ҳам айнан юқоридаги тушунчалар билан боғлаш бўлса керак. Чунки куёвниқига тушириб кетилаётган келин ҳам рамзий маънода қизлик олаmidан аёллик дунёсига ўтади. Яъни, никоҳ йигит-қизларни бир поғонага кўтариб, эр-хотинликка ўтказувчи рамзий маросим деб саналган. Шу боис куёвнинг уйига бораётганда йўлда дуч келинган кўприк - мажозий маънода ана шу икки олам чегараси ҳам ҳисобланади.

Келин тушган арава ёки машина йўлига арқон тутиб йўл тўсиш эса рамзий тўсиқ, яъни синов элементиدير.

Чимилдиқ («чимилдирик», «чимиллиг») тутиш ўзбек халқи, умуман Марказий Осиё халқлари никоҳ тўй маросими таомилларида асосий ўринлардан бирида туради. Чимилдиқ 3х3 метр хажмидаги гулли, рангли матодан тикилган бўлиб, куёв томонидан берилган ва келин тушадиган хона турига тутилган. Чимилдиқ сифатида гулли, нақшли сўзаналардан ҳам фойдаланилган. Чимилдиқ келинни ёвуз кучлардан ва ёмон кўзлардан сақловчи афсунгарлик воситаси бўлган. Тадқиқ қилинаётган ҳар икки минтақада ҳам чимилдиқ тутишни ҳар қайдай аёлга ишонилмаган. Чимилдиқни кўп болали (боласи касал ва нобуд бўлмаган) ували-жували, бир никоҳли, дили пок икки аёл қоқишган. Улардан бири келиннинг, иккинчиси эса куёвнинг яқин қариндошларидан бўлган. Чимилдиқни боғлаган янгаларнинг ўзлари ҳам келин ва куёвга дахл қилиши мумкин: деб тасаввур қилинган ёвуз кучлар ва инс-жинслардан ҳимоя қилувчи рамзий хомий ҳисобланган. Шунинг учун 1 уйнинг бошидан охиригача янгаларнинг вазифаси жуда кўп бўлади. Фарғона водийсида янгаларни янга, оя, женгача, келинойи Жанубий Ўзбекистонда чеча, женгача, янга деб аталган. Янгалар саралашда маълум тартиб-қоидаларга амал қилинган. Янгалар

одатда, бир никоҳли, серфарзанд бўлиши билан бирга уддабурон, сўзамол, хаёт тажрибаларига бой бўлишлари шарт бўлган. Никоҳ маросимлари бошланишидан то охиригача янгалар бир нечта афсунгарлик вазифаларини бажарадилар. Қизни никоҳга янгалар тайёрлайди. Куёв куёв навкарлар билан янгалар муомала қилади. Келинни олов атрофида янгалар айлантиради.

Қашқадарёда чимилдиқ илинадиган миҳни ёшларнинг хаёти ширин бўлсин, деб новвот билан қоқишган. Икки ён томонидаги ортиб қолган ипига эса новвот ва қошиқ, баъзан новвот ва исириқ биргаликда боғлаб кўйилган. Фарғона водийсида янга келин-куёвларга никоҳ сувидан бир қултумдан ичирганлар, қолганини оловга сепиб, уларга тўшак солиб берганлар ва маълум муддат уларнинг ёнида ётганлар. Кўриниб турибдики, биз тилга олган маросимлар мажмуида соч магияси, сув култи, шомонлик ва зардуштийлик эътиқотлари синкретик тарзда кўшилиб кетган. Янганинг никоҳ кечаси келин-куёв ёнида ётиш одати ҳозирда ҳам маълум даражада сақланиб қолган.

## **III БОБ. МОДДИЙ МАДАНИЯТ ВА ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРДА ЭТНОМАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР**

### **3.1. Этник алоқаларнинг анъанавий тураржойларда акс этиши.**

Тураржойлар ва улар билан боғлиқ хўжалик хоналари моддий маданиятнинг энг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Тураржойлар турларининг вужудга келиши ва ривожланиши кўплаб омилларга, жумладан, халқнинг турмуш тарзи, хўжалик турлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражаси ва табиий-географик муҳит билан боғлиқ.

Маълумки, Ўрта Осиё минтақасида турли тарихий-маданий вилоятлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос табиий-иқлим шароити, аҳоли хўжалик-маданий ривожланишининг тарихий йўналишлари асосида хўжалигида ва моддий маданиятида ўзига хослик касб этган. Жумладан, XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистоннинг жанубий ва шимоли-шарқий ҳудудларида аҳоли тураржойлари ҳам айрим локал хусусиятга эга бўлган. Қуйида ана шу иккита ҳудудда турар жойлардаги айрим ўзига хослик билан бирга турар жойларнинг этник алоқалар таъсиридаги тараққиёти кўриб ўтилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида аҳолининг кўпчилиги қадимдан қишлоқларда яшаб келган. XIX аср - XX аср бошларида ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ ўзбек уруғларининг ўтроқлашиши натижасида қишлоқлар аҳолиси сони ўсиб борган.

Тарихий-маданий ҳудудларнинг хўжалик ва маданий шаклланишининг тарихий шароитлари, аҳолининг этник таркиби ҳамда табиий-географик шароит аҳолининг зичлигига ҳам таъсир этган. XX аср бошларидаги маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг жанубий ва шимоли-

шарқий ҳудудлари аҳолиси зичлиги бўйича аҳоли жойлашган ҳудудларни 4 та ҳудудга ажратиш мумкин: аҳоли жуда зич (1 км.да 70 ва ундан ортиқ киши) жойлашган ҳудудлар; аҳоли зичлиги ўртача (1 км.да 20-70 киши) бўлган ҳудудлар; аҳоли кам жойлашган (1 км.да 20 кишигача) ва аҳоли сийрак (1 км 2 да 1 кишигача) жойлашган ҳудудлар . Аҳоли зичлиги юқори ҳудудларга Фарғона водийсининг маданий воҳалари, Норин ва Қорадарё оралиғи кирган. Аҳоли зичлиги ўртача ҳудудларга - Қарши воҳаси, Сурхондарёни ўрта қисмининг ўнг қирғоғи, Шимолий Фарғока Ғовасой билан ва бошқа ҳудудлар кирган. Бу ҳудудларда кўпроқ суғорма деҳқончилик билан шуғулланилган.<sup>23</sup>

Кам аҳоли ҳудудларга Шимолий Фарғонанинг шарқий қисми, Қашқадарё хавзасининг юқори қисми, Сурхондарё водийси атрофлари, Шерободдарё воҳаси кирган. Бу районлар, асосан, лалми деҳқончилик ҳудудларида ҳамда яйлов чорвачилиги ҳудудларида жойлашган.

Аҳоли сийрак жойлашган ҳудудларга Марказий Фарғона, Сурхондарё округининг чўл-дашт қисми кирган. Бу ҳудудлар чўл-дашт ҳудудларида жойлашган бўлиб, аҳоли асосан яйлов чорвачилиги билан шуғулланган.

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ҳам ўтроқ аҳоли орасида энг кўп тарқалган аҳоли пунктлари алоҳида оилаларнинг ҳовлиларидан таркиб топган қишлоқлар ҳисобланган. 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш материалларидаги маълумотга кўра, Ўзбекистон бўйича жами 12811 та ана шундай қишлоқлар ҳисобга олинган. Жумладан, Фарғона водийсида жами 1770 та, шундан Фарғона округида - 968 та, Андижон округида - 802 та шу кўринишдаги қишлоқлар мавжуд бўлган . Қашқадарёда қишлоқларнинг сони кўпчиликини ташкил этган бўлса-да, аммо улар ўрта ва кам аҳоли бўлган.

---

<sup>23</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент: Шарқ, 2001.-45.б

Қишлоқларнинг катта ёки кичиклиги турлича бўлган. Ўн кишидан то бир неча мингтагача аҳоли истиқомат вдилган қишлоқлар ҳам мавжуд бўлган. Табиий шароити қулай, серсув ва тупроғи унумдор жойларда йирик қишлоқлар жойлашиб, аҳоли анча гавжум яшаган, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланган. Андижон округининг Избоскан туманидаги 25 та қишлоқ аҳолиси 36656 кишини, яъни туман аҳоли сонининг 76 % ини ташкил этган. Наманган туманидаги 32 қишлоқда 57459 киоти, яъни туманнинг 74,2 % аҳолисини, Янгиқўрғон туманидаги 19 та қишлоқда - 40850 киши ёки 72,1 %, Фарғона округининг Олтиарик туманидаги 18 та қишлоқда - 50360 ёки 90,9 %, Фарғона туманидаги 9 та қишлоқда - 17282 киши ёки туман аҳолисининг 46,6 % и яшаган .

Қашқадарё областининг Косон туманида ҳам аҳоли зич жойлашган қишлоқлар бўлган. Масалан, Косон туманидаги 11 та қишлоқда 19913 киши ёки туманнинг 47,4 % аҳолиси яшаган.

Мазкур даврда Ўзбекистондаги қишлоқларни ҳар хил рельефда жойлашиши бўйича воҳалардаги қишлоқлар, тоғолди текислик, тоғ ва чўлдашт зоналаридаги қишлоқларга ажратиш мумкин. Қишлоқларнинг бундай жойлашиши ўзбек халқи таркиб топишининг тарихий шароити ҳамда ўзбеклар таркибидаги турли этник гуруҳларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ.

Жанубий Ўзбекистонда қишлоқларнинг 2 та асосий типи мавжуд: воҳалардаги мунтазам суғорма деҳқончилик қишлоқлари ва чўлдашт чорвачилик қишлоқлари. Бу қишлоқлар жойлашган районлар аниқ ажралиб турган, бироқ улар бир-бири билан боғланган. Воҳа қишлоқларининг кўпчилиги воҳани ўраб турувчи чўллардаги яйловларда қўшимча аҳоли пунктларига эга бўлишган.

Воҳа типидagi тураржойлар, асосан, ерларни сунъий суғориш орқали деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда кенг тарқалган ва ҳайдалиб экин экиладиган майдонлар атрофидаги йирик сув манбалари ва катта йўллар

бўйида жойлашган. Бу гуруҳга кирувчи қишлоқларда аҳоли қадимдан ўтроқ ҳолда, зич яшаб келган ва улар мунтазам равишда деҳқончилик, боғдорчилик, савдо-сотик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлишган. Бир нечта кўчалар кесишган жой қишлоқнинг маркази ҳисобланиб, гузар деб аталган. Аҳоли кундалик эҳтиёжи учун харидларни, одатда, гузардаги дўконлардан амалга оширишган. Фарғона водийсидаги қишлоқларнинг гузари айниқса гавжум бўлган ва бу ерда чойхона, сартарошхона, тегирмон каби ижтимоий-маиший бинолар жойлашган. Водийнинг Косонсой, Аравансой, Пошшаота, Чодаксой, Ғовасой, Исфайрамсой, Исфара, Сўх каби катта-кичик дарёлар ва сойлар бўйида суғорма деҳқончиликка асосланган воҳа қишлоқлари жойлашган. Бу қишлоқларда, асосан, ўтроқ ўзбек ва тожиклар қадимдан яшаб келган. Қашқадарё вилоятининг Майманоқ, Косон, Бешкент, Ғузур туманларида, Сурхондарё вилоятининг эса Денов, Шўрчи, Шеробод каби туманларида ҳам ўтроқ аҳолининг воҳа қишлоқлари жойлашган.

Баъзи қишлоқлар ўзида шаҳар ва қишлоқ қиёфасини акс эттирган. Бундай қишлоқлар марказида бозор, ҳунармандчилик устахоналари ва савдо расталари жойлашган. Қашқадарё вилоятининг Маймана, Косон, Бешкент, Ғузур ва шу каби қишлоқлари, Фарғона водийсидаги Шаханд, Косонсой, Чуст ва бошқа қишлоқлар ана шундай қишлоқлар сирасига киради .

Этник гуруҳлар ўртасида маданий-этник алоқалар айниқса савдо-сотик олиб бориладиган қишлоқларда қизгин кечган ва бу ҳудудлар қайсидир маънода турар жойларнинг унификациялашув жараёнига катта таъсир кўрсатган. Масалан, Яккабоғ, Қорабоғ, Косон, Женов ва бошқа қишлоқларда қора уйлар учун ёғоч синчлар сотиладиган марказларга айланган. Бойсун, Дарбанд, Чим, Хўжаипак ва бошқа йирик қишлоқлар эса нафақат ҳудуднинг иқтисодий ҳаётида, балки аҳолининг маданий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнаган. Бу қишлоқларда турли сайиллар, томоша ва ўйинлар ўтказилиб турилган.

Фарғона водийсининг Чортоқ, Чуст, Косонсой, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Андижон, Асака, Жалолқудуқ, Қўрғонтепа, Фарғона каби тоғолди районларида зич планировкали қишлоқлар кенг тарқалган. Бу ерларда яшовчи аҳолининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачилик ҳисобланган. Мазкур районлардаги қишлоқларда қоида бўйича қишлоқ марказида масжид, чойхона, жувозхона, тегирмон ва шаҳарлардагига нисбатан кичик бозорлар жойлашган. Бу ерлардаги бозорларга ўтроқ аҳолидан ташқари ярим ўтроқ чорвадор аҳоли ҳам ўз маҳсулотларини, яъни жун ва теридан қилинган гилам, кийгиз, меш, пўстак кабиларни олиб келиб сотганлар.

Ўрганилаётган даврда қишлоқлардаги ҳовлилар атрофи девор билан ўралган ва ўралмаган ҳолда бўлган. Тураржой атрофи девор билан ўралган ҳовлиларга дарвозахона орқали кирилган. Бундай ҳовлилар Фарғона водийсида кенг тарқалган бўлиб, одатда, ҳовлилар ичкари ва ташқарига бўлинган. Ташқи ҳовлида меҳмонхона ва отхона бўлган. Ҳунарманд аҳолининг ташқи ҳовлисида устахона бўлган. У ерда уста ўз шогирдлари билан ишлаган. Ичкари ҳовли аёллар ва болалар учун мўлжалланган бўлиб, асосан, яшаш хоналари ҳамда хўжалик эҳтиёжи учун қурилган хоналар - ошхона, омборхона, ўтинхона, сомонхона ва бошқалар бўлган. Камбағал оилаларнинг ҳовлилари эса умуман икки қисмга ажратилмаган. Бундай оилаларга эркак меҳмонлар келган вақтда аёллар ва ёш болалар қўшнининг уйига чиқиб туришган.<sup>24</sup>

Қашқадарё воҳаси Косон туманидаги Оқчангал, Октепа, Гувалак, Саримас, Эсабой, Холми каби қишлоқларида XIX аср охирида Зарафшон водийсидан келган оқманғит уруғлари яшаган бўлиб, уларнинг ҳовлилари атрофи девор билан ўралган ҳамда ичкилик ва ташқилик қисмларига бўлинган. Ҳовлилар ўртасини очиқ қолдириш (бу жой журт дейилган) анъанаси сақланган .

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар.-Т., Янги нашр, 2011.-.46.б

Ҳовлилар атрофи девор билан ўралмаган қишлоқлар лалми дехқончилик ҳудудларида жойлашган. Бундай қишлоқларнинг аксарияти XIX аср охири - XX аср бошларида пайдо бўлган. Бундай қишлоқлар ва ҳовлилар кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбекларнинг ўтрокклашиши натижасида пайдо бўлган ва XX аср бошларигача уларда чорвачиликка хос турмуш тарзи излари кўзга ташланган. Таъкидлаш жоизки, чорвадор аҳоли ўзларининг қишловлари ўрнида узоқ вақт мобайнида, баъзи туманларда ўтган асрнинг 20-30 йилларига қадар ўтрокклашган ва дастлаб қора уйларда истиқомат қилишган. Доимий типдаги уйларда яшашга ўтганлари ҳам, одатда, бир хонали, баъзи ҳолларда икки хонали уйларда яшаган. Қашқадарё ва Сурхондарёнинг кўплаб қишлоқларида уйлар айвонсиз, Фарғона водийсида эса айвонли уйлар қурилган. Бу эса ўтроқ аҳолининг таъсири оқибатида эди. Жанубий вилоятларда уйларнинг олдида тупрокдан кўтариб супа қилишган, бу илиқ об-ҳаво шароитига жуда мос бўлган, қиш ва кўклам ойлари қор ва ёмғир сувларининг уйнинг олдида тўпланмаслигини таъминлаган.

Фарғона водийсида ўтроқ турмуш тарзига ўтган қипчоқ, қурама ва туркларнинг тоғ олди туманларида жойлашган алоҳида-алоҳида, тарқоқ кўринишдаги қишлоқлари ҳам ўзига хос тузилишга эга бўлган. Бундай қишлоқлардаги ҳар бир ҳовли бир-биридан 100-200 м, баъзан ундан ҳам узоқ масофада жойлашган бўлиб, бошқа қишлоқларга нисбатан катта ҳудудни эгаллаган. Ҳар бир ҳовли пахса девор билан ўралган. Бундан ташқари, ҳовли атрофини ўраб олиш учун дарахт шохлари ёки «чангаллар» ҳам ишлатилган. Уларда ҳовли афофини девор билан тўсиш ҳовлини (оиладаги аёлларни) бегона кишиларнинг назари тушишидан тўсиш эмас, балки ҳовлига чорва ҳайвонларини кириб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида қурилган. Шунинг учун кўп ҳолларда ҳовлининг фақат кўча томони тўсилган, холос.

Фарғона водийсининг тоғ зонасидаги манзилгоҳлар вақтинчалик (ёзлик) бўлиб, асосан, ўз чорвасини боқаётган у ёки бу уруғ вакилларига

тегишли қора уйлардан ташкил топган овулларга хос тураржойлар эди . Водийда ҳар бир овул жамоаси ўзининг яйлов ерларига эга бўлиб, ҳар ёзда мана шу яйловга келган. Яйлов ерлари, булок ва қудуқ каби сув манбалари овул жамоасининг умумий мулки ҳисобланган, чорва ҳайвонлари, қора уй ва экинзорлар ҳар бир оиланинг хусусий мулки бўлган.

Фарғона водийсининг ярим ўфоқ аҳоли яшовчи тоғолди ҳудудларида ўфоқ аҳолиники каби зич қишлоқлар кам тарқалган бўлиб, асосан, бир биридан алоҳида-алоҳида қурилган афофи баланд пахса деворлар билан тўсилган кўрғончалардан иборат бўлган. Кўрғончалар ярим ўтроқ аҳолининг ўтроқлашиши жараёнида ташкил топган доимий тураржойларидир. Бундай манзилгоҳлар аслида ярим кўчманчи аҳолининг маълум бир уруғ ёки уруғ бўлинмасига тегишли қишлоқ маконлари ўрнида таркиб топган бўлиб, улар асосчилари номи билан аталган. Таниқли этнограф олим К. Шониёзов бундай тураржойларни водий ҳудудида XVIII аср охиридан пайдо бўла бошлаган, деб эътироф этган.

Эр-хотин Наливкинлар Фарғона водийсидаги қирғиз, қипчоқ, қурама ва қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларда қишлоқлар нисбатан кам учраши, улар ўрнини атрофи баланд пахса деворлар билан ўраб олинган ана шундай алоҳида-алоҳида кўрғончалар эгаллашини ёзган. Кўрғонча ичида уй-жой ва хўжалик бинолари қурилган бўлиб, у билан бирга "қора уй" ҳам тикланган. Оила аъзолари қишин-ёзин "қора уй"да яшаган. Ёзда ўтовлар тоққа, яъни ёзги яйловларга кўчирилган. XIX аср иккинчи ярмидан эътиборан ярим ўтроқ аҳолининг тобора ўтроқлашуви жараёнида кўрғончалар атрофида алоҳида пахса уйлар ва хўжалик иморатлари пайдо бўла бошлаган. Шу аср охирига бориб, уларнинг сони янада ортиб борган ва XX асрнинг бошларидан турар-жойларни девор билан ўраб олиш анъанаси йўқола бошлаган. Доимий уй-жойларнинг пайдо бўлиши натижасида ёзги яйловларга фақат кўплаб чорва ҳайвонларига эга оилаларгина жўнаб кетадиган бўлганлар .

Одатда, чорвадор аҳоли ўзлари учун қишлов жойлари сифатида шамолдан ҳимоя қилиб турувчи қоялар билан ўралган тоғ даралари ёки қишлоқ фақлида ҳам чорвани боқиб туриш имконияти бўлган тоғолди ҳудудлари ҳамда ҳали деҳқончилик учун ўзлаштириб улгурилмаган водий текислик қисмининг ўтзор ҳудудларини танлаганлар. Масалан, Фарғона водийси қипчоқларининг қишлов маконлари Қурама ва Чотқол тоғ тизмаларининг жанубий ва жануби-шарқий ёнбағирларида ҳамда Фарғона тоғ тизмаси этакларининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган эди.

Жанубий вилоятларда суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда стационар характердаги аҳоли пунктлари, асосан, суғориш тизимлари атрофида шакллаган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, сувга яқин қишлоқларда кўпроқ қишлоқлар (ўзбек ва тожик қишлоқлари), қадимги уруғлар: тоқчилар, турклар яшашга. Бундай қишлоқларга яқин қишлоқларга Шерободдарё, Сурхондарё, Амударё ҳавзаларида жойлашган Мачай, Мангузар, Салавот ва бошқа қишлоқларни кўрсатиш мумкин. Минтақада деҳқончилик воҳалари билан бир қаторда чорвачилик учун қулай ва кенг яйловлар ҳам мавжуд. Унинг сариқ тупроқли чўл ва ярим чўл қисмларида аҳоли азалдан лалмикор деҳқончилик билан шуғулланиб келишган.<sup>25</sup>

Қашқадарё вилоятида Қарши чўли ва Сурхондарё вилоятида Шеробод дашти жойлашган. Самарқанд вилоятининг Дарғом дашти, Қарноб чўли, Навоий вилоятининг Малик чўли бу ҳудудга чегарадош ҳисобланади. Қадимдан бу жойларда чорвадор аҳоли яшаб келган. Баҳорда тоғлардаги сойлар серсув бўлиб, ёз келиши билан деярли қуриб қолган. Фақатгина булоқ сувлари ёрдамидагина кичик-кичик ер майдонлари суғорилиб, беда, арпа, бугдой, жўхори, маккажўхори, қовун, тарвуз ва бошқа полиз экинлари экилган, чиройли боғлар барпо этилган.

---

<sup>25</sup> Қораев С. Географик номлар маъноси. Т., 1978. - 114.б

Жанубий Ўзбекистон худудидаги қишлоқларда дастлабки лойдевордан қурилган биноларни аҳоли тураржойлари эмас, балки масжид ва чорва ҳайвонларини сақдаш учун қурилган отхона, огилхоналар ташкил этган. Кейинчалик эса меҳмонхоналар қурила бошлаган.

Таъкидлаб ўтилганидек, Жанубий Ўзбекистон вилоятларида кичик ва ўртача катталиқдаги қишлоқлар кўп тарқалган бўлиб, улар, одатда, тарқок ҳолда бир-биридан узоқда жойлашган эди. Уй ҳовлилари девор билан тўсилмаган, кўп оилаларда асосий тураржойни қорауилар ташкил этар эди.

Жанубий Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларига нисбатан тоғли туманларда ўтроқлашиш жараёни бирмунча эртароқ бошланиб, доимий тураржойлар, қишловлар пайдо бўлган. Қишловлар сой, булоқ бўйларида, дастлаб чорва учун қулай жойларда тўп, тўда шаклида вужудга келиб, ҳар бир катта оила тўп, уруғ бўлиб яшаган. Бундай тўда ёки тўплар кўпчилиқни ташкил қилмай, 7,8,9 чайла ёки қорауилардан иборат эди.

Д.Нозиловнинг таъкидлашича, Ҳисор ва Бойсун тоғ архитектурасида кўпинча синч девор қўлланилган ва буни ер қимирлаш балининг нисбатан юқори эканлиғи билан изоҳлайди. Бойсун ва Ҳисор тоғларининг устки қисми ўрмонзорлардан иборат бўлганлиғи учун ҳам синч кенг қўлланилган. Тоғликлар уйнинг шамол эсадиган ва сел келадиган томонига тош девор ёки қўшсинчли девор қуришган.

Жанубий Ўзбекистоннинг чўл зоналарида дастлаб пайдо бўлган қишлоқлар найманлар ва кўнғиротларда тўп, саройларда гул каби номлар билан аталиб, ҳовлилар атрофи деворсиз эди. Тўплар кенгая бориб, қора уйлар атрофида чим, пахса ёки хом ғиштдан тикланган уй-томлар пайдо бўлиб, овуллар ташкил топган. Бу XX аср бошларида хутор типидagi қишлоқларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Булоқ сувлари мавжуд бўлган жойларда, хусусан Қашқадарё ўзани этакларида гувала, хом ғишт ва пахса деворлардан иморатлар қурила бошлаган. Пахса деворли уйлар

Жанубий Ўзбекистон ҳудудига туркманлар келиши билан пайдо бўлган. Чунки улар дастлабки пахсачи усталар бўлганлар.

Энди дашт қишлоқларида қурилган уйларга келсак, улар кўп ҳолларда пахса ва чимдан қурилган, ҳар бир хўжалик бир-биридан узоқроқ яшашга ҳаракат қилган. Уларнинг ҳовлилари сувли қишлоқлардаги ҳовлилар каби бир-бири билан тутшиб кетмаган, балки ҳар бир ҳовли бир-биридан алоҳида-алоҳида жойлашган, бу чорва учун қулай бўлган. Уйларининг тузилиши ҳам оддий, етти, тўққиз, ўн бир болорли бир уй, бир дахлиз ва кичик ошхонаси бўлган. Уйларнинг орқа томонида ёзнинг илиқ пайтларида шамоллатиб туриш учун кичик дарча қўйишган, олд томонида битта, баъзи бирлариникида иккитадан эшик бўлган. Кўп уйларнинг олди очик бўлиб, ҳовли билан ўралмаган, уйдан 15-30 метр узоқликда чорва учун қурилган молхона, ўтинхона, қўра бўлган.

Жанубий Ўзбекистонда уйлар, асосан, 2 хил усулда: шахрисабз ва қарши усулида қурилган. Бунга Шаҳрисабзнинг тоғга яқинлиги ва Қаршини текислик ҳудудида эканлиги сабаб бўлиши мумкин. Мазкур тарихий-маданий ҳудуднинг халқ меъморчилигида кўпроқ уйларни шамоллатиш ва салқинлатишга эътибор қаратилган. Масалан, бу жойдаги уйларда хонанинг олди ва орқа томонларга шамоллатиш учун деворларда биттадан ёки айримларида иккитадан тешикчалар, баъзан дарчалар бўлган.

Ўрганилаётган ҳудудларда яшовчи ярим ўтроқ ва янги кўчманчи этник гуруҳлар - қипчоқ, қурама, турк, қатағон, дўрмон, лақай, қорақалпоқ, қирғиз ва бошқаларнинг қишлоқларида анъанавий турмуш тарзига хос, яъни чорвачилик ва деҳқончиликка асосланган турмуш тарзи хусусиятлари намоён бўлади.

Хўжалик-турмуш тартибининг ўзгариши чорвачилик билан шуғулланувчи ярим кўчманчи ўзбекларнинг ўтроқлашиши оқибатида ва деҳқончилик билан шуғуллана бошлаши тураржойлар турларини ўзгаришига олиб келди.

### **3.2. Анъанавий кийимлар: умумийлик ва ўзаро тафовутлар.**

Кийим-кечаклар моддий маданиятнинг умуммиллий хусусиятларини акс эттирувчи соҳасидир. Қолаверса, ўзбек анъанавий кийимлари тарих билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, у моддий-маданий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттириб, этник белгилари билан ажратиб туради.

Кийимлар халқ маданиятининг бошқа кўринишлари сингари унинг турмуш тарзи, эстетик диди ва миллий ўзлигининг кўзгўси бўлиши билан бир қаторда этногенез, этник тарих ва маданият тарихини ўрганишда ҳам муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Бичиш асослари, шакл ва турлари азалдан бир хил бўлган ўзбекларнинг кийим-кечаклари, одамларнинг ёши, ижтимоий аҳволига қараб уларнинг ранги, матоси, айрим таркибий қисмлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Кийимларда бирон-бир элат тарихига бориб тақаладиган шаклларнинг айрим унсурлари ифодаланади. Жамият турмуши, иктисодиёти ва сиёсатида ўзгаришлар бўлиб туриши билан бир вақтда кийим шакллари ҳам ўзгариб боради, унда халқнинг моддий аҳволи, кишиларнинг диди, гўзаллик тўғрисидаги идеаллари, хўжалик юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда оилавий турмушнинг баъзи томонлари ҳам кўзга яққол ташланади. XIX аср охири - XX аср бошларига келиб ўзбек миллий кийимлари шаклланди, шаҳар ва кишлоқларда бир нусхадаги тун, кўйлак, яктак, лозим, душш, салла, телпак, ковуш-махси, этик, чорик турли ёрдамчи кийимлар кийиладиган бўлди. Аммо бу умумийликдан ташқари ҳар бир жойнинг ўзигагина хос маҳаллий шароитга, халқнинг азалий кўникмаларига мос келадиган кийим-кечаклари ҳам бўлган.<sup>26</sup>

Ўзбекистоннинг жанубий ва шимоли-шарқий худудлари ҳисобланган Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари, Фарғона водийси аҳоли кийимларининг шаклланиш ва киёсий тахлилига ўтадиган бўлсак, бевосита ўзбек анъанавий кийимларига бориб тақалади. Чунки кийимлар бошқа халқлар худудлараро этнослар билан ўзаро этномаданий алоқалари жиҳатидан ҳам хабар беради.

---

<sup>26</sup> Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари XIX-XX асрлари. Т., 2003. - 32.б

Шу билан бирга кийимлар узок, тарихий йулни босиб ўтган бўлиб, бошқа халқлар кийимларидан ўзаро таъсири сингиб бориш жараёнлари сезилиб туради. Шундай бўлишига қарамай, ўзбек халқи ўз анъанавий кийим-кечакларида моддий маданияти, турмуш тарзидаги миллий, этник хусусиятларни сақлаб қолган. Асосан, кийимлар аёллар, эркеклар ва болаларнинг байрам, кундалик маросим туй, дафн ва иш кийимларига бўлиниб, уларнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқади. Бундан ташқари кийимлар иқлим, яшаш жойига ҳам боғлиқ бўлади. Маҳаллий шароитда яшовчи этник гуруҳларнинг умумий характердаги кийимлари мавжудлиги, уларнинг тарихий тақдирлари ва маданиятлари узок давр мобайнида шаклланган.

Анъанавий кийимларни тадқиқ қилиш жараёнида, уларнинг тайёрланиш турлари, бичими ва тарқалишини ўргана бориб, кийимларни тикиш учун зарур бўлган матолар, турлари тайёрланиш услублари ҳам ўрганилади. Тадқиқот олиб борилган мазкур минтақаларда яшовчи аҳолининг анъанавий кийим-кечаклари, уларнинг шаклланиши, улардаги ўзаро умумийлик ва тафовутлар халқларнинг ўзаро боғлиқлиги улардаги маданиятнинг қай даражада ривожланганлигини ҳам кўрсатади. Яъни анъанавий кийимларни ўрганиш моддий ва маънавий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослиги ва этник белгиларини кўрсатибгина қолмай, бошқа халқлар билан ўзаро алоқалари, этник тарихи ва маданиятини тадқиқ этиб, урф-одатлари, ижтимоий муносабатлар, диний эътиқод, нафосат ва эстетик меъёрларда ҳам акс этишини кўрсатади.

Шу билан бирга ўша ерда яшовчи халқларнинг турмуш тарзи хўжалик фаолияти, уруғ-қабил аънавалари иқлим шароити ҳам кийимлар орқали белгиланади. Шунинг учун ҳам мазкур минтақаларда яшовчи аҳоли кийим-кечакка ўз дидлари, эстетик идеалларини ифода этганки, бу эса ўз навбатида уларни фарқдашда ажралиб туради. Аслини олганда ўзбек миллий кийимлари шаклланиши, ривожланиш йўли, улардаги ўзига хос этник ва локал хусусиятлар яққол кўзга ташланади. Ўзбекистоннинг жанубий ва шимоли-

шарқий хуудларида истиқомат қилувчи халқлар қадимдан деҳқончилик, чорвачилик, ипакчилик ривожлана борган сари жун, пахта, каби маданий толалар, уй хайвонлари жуни, териси, мўйнасидан кийимлар тикиб кийганликларини ҳам такрорлаш мумкин.

Умуман олганда, Ўрта Осиёда жун ва теридан халқ истеъмоли моллари, хусусан кийим-кечак тайёрлаш анъанаси Фарғона водийси чорвадор халқлари орасида кучли сезилади. Чунки жундан мато тайёрлаш усули ўзига хос тарзда амалга оширилганки, уни ип холига келтириш бир хил усулда амалга оширилган. Жунни қўлда титиб, майинлаштириб, урчук ёрдамида йигириб калава холатига келтирилган ва ундан халқ истеъмоли моллари тайёрланган.

Этнограф олим У.Абдуллаев ёзишича жун ва теридан халқ истеъмоли моллари, хусусан, кийим-кечак тайёрлаш анъанаси Ўрта Осиёнинг, жумладан, водийнинг чорвадор халқлари орасида ҳам кучли эди". Чунончи, хўжалик фаолияти чорвачиликка ихтисослашган қирғиз, қорақалпоқ, қипчоқ, минг, юз, курама, араб, турк каби этник жамоа вакиллари бу даврда жундан чакмон, гилам, палос хуржун, халта каби кўплаб буюмлар тайёрлаганлар. Бунда эчки тивити, туя ва қўй жунлари мато тайёрлашдаги асосий хомашё ҳисобланган.<sup>27</sup>

Халқ кийимлари кўп миллатли ва локал формада бўлиши билан бирга турли халқларда эмас, балки ҳар бир халқ ичидаги турли этник гуруҳларда ҳам фарқ қилади. Биргина Ўзбекистоннинг жанубий воҳалари билан Фарғона аҳолиси кийимларини ўзаро таққослайдиган бўлсак, кийимлар тузилишида ўзаро умумийликлар сезилсада, кийим услуби, тикилишида ҳам бир қатор фарқлар сезилади. Бу албатта, аҳолининг турмуш тарзи, хўжалик фаолияти, маданий анъаналарида иқлим шароити таъсири бўлиб, тараққиёт давомида шаклланиб, ўзгариб, бир-бирига сингиб боради.

XIX асрнинг 80-йилларигача ўзбек анъанавий кийимлари «туника нусха» кўринишини сақлаб қолган. Умуман олганда, анъанавий кийимлар, яъни XIX аср кийимлари (тун, куйлак, яктак ва б.) янги узун яхлит бичими одам қоматини беркитиб, эркин туриши, ўзига хос кийим безаклари билан

---

<sup>27</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик I том. М., 1981.-48.б.

безалиши, ҳаттоки кийимларни кийиш тартиби билан ҳам ажралиб туради. Қолаверса, кийимларни тайёрлашда зарур бўладиган мато ва унинг тайёрланиш усуллари, мато турлари, тарқалишини аниқлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки, анъанавий кийим-кечакларнинг ривожланиш йўли узок тараққиёт талаб этиб, уни ишлаб чиқаришга хос бўлган жараёнлар даврлар мобайнида шаклланиб боради.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўзбекистонда кийим-кечак учун ишлатилган матолар кўпроқ уй шароитида тайёрланиб, тадқиқот олиб бораётган худудларда турлича бўлган. Ваҳоланки, ўша пайтда Россиядан келтириляётган фабрика матолари қиммат бўлиб, улар ўлканинг ҳамма жойида ҳам бир хил тарқатилмас эди. Ўзбекистонда уй шароитида ип, жун, пилла, тери ва бошқа маҳсулотлардан мато тайёрлаш жуда қадимдан мавжуд бўлиб, улар асосан Фарғона водийсида, Марғилон, Наманган, Қўқонда, жанубий вилоятларнинг Бойсун, Қарши, Китоб, Шахрисабз шаҳарларида матолар ишлаб чиқариш тараққий қилган еди, жараён, асосан, аҳолининг турмуш тарзига боғлиқ, дехқончиликка ихтисослашган ерларда ип-газлама матолар, чорвачиликка ихтисослашган кўчманчи, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ, аҳоли орасида эса кўпроқ жун, теридан кийим-кечаклар истеъмолда бўлган.

Ўз ўрнида шуни ҳам айтиш керакки, уй шароитида ип-газлама, ипакли ва ярим ипакли (нимшойи) ҳамда жун ва теридан матоларни тайёрлаш жараёни жойларда турлича бўлгани учун бу жараёнлар ҳақида тадқиқотчилар ўз фикрларини билдириб ўтганлар.

XIX аср охирларига келиб кийимлар қадимги хусусиятларини сақлаб қолди. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари ва Фарғона водийсидаги аҳоли киядиган кийимларда умумий ўзбек кийимлари шаклига яқинлашиш жараёни кучлилигини кузатиш мумкин. Фарғонада кўплаб, хилма-хил гулли матолар тўқилган. Бундай матоларнинг ранг-баранг гулли бўлишига, гулларнинг бир-бирига мос-уйғун келишига, шунингдек, йўл-йўлларининг ораси кенгроқ бўялишга ҳам аҳамият берилган. Яшил тусли йўл-йўл гуллар,

сарик, гулгун ва сиёхранг гуллар билан уйғун равишда алмашилиб келадиган беқасам, ипак ва нимшойи газмоллар жуда кадрланган. Бу жараёнлар йирик шаҳарларга яқин жойларда ҳамда савдо, хунармандчилик тараққий қилган қишлоқларда тезроқ, узоқ чекка қишлоқларда суст борган.

Эркаклар миллий кийими таркибига кўра ички (ичдан кийиладиган) ва устки кийимларга бўлинади. Ўтмишда эркаклар учун махсус ички кийим тикилмаган. Куз ва қиш фаслларида эркаклар ёзги енгил кийимлари устидан қалинроқ матодан тикилган тун, шим, чакмон, пўстин ва бошқа устки кийимлар кийишган. Эркаклар кўйлаги, асосан, бир хил тусдаги оқ матодан тикилиб, бу мато косиб дастгоҳида тўқилган. Кўйлақлар бичимига кўра узун бўлиб, эни бузилмаган бир мато ярмидан бир-бирига узунасига улаб тикилган, ён қисми эса этагига қараб кенгайиб борган. Эркаклар кўйлаги узун тиззадан пастга, кейинроқ, эса белнинг ярмисига тушадиган қилиб тикилган. Ёқаси икки хил андазага биноан белгиланган. Фарғона водийсида узун, тикйирмоч кийик жойи узунроқ мато бўлагидан бичилиб, бурчакма-бурчак қилиб, икки кийик кесилган ҳамда учлари кенг олиниб тикилган. Фарғона водийсида бу кўйлақларни «муллавачча» кўйлақ деб аташган. Баъзан бу кўйлақ ёқасининг четларига жияк ҳам тикилган. Бундай кўйлақларни Тошкент, Зарафшон, Бухоро, Хоразмда гиз билан бирга Фарғона водийсида Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида эса кўпроқ ёқаси ётиқ кўйлақларни кийишган. Бу кўйлақларнинг енглари узун, ёнида кўшимча кийиғи бўлиб, ёқаси боғич билан боғланган. Шунинг учун ҳам бу кўйлақ «боғичи» деб аталган. Умуман олганда, водий ва Жанубий минтақаларда эркаклар кийими ўртасидаги фарқлар сезилсада, умумийлик кўпроқ. Негаки, бу бир-бирига туташ худудларда яшовчи этник гуруҳларнинг ўзаро доимий иқтисодий, этномаданий алоқалари таъсирида ривожланганлиги, маданиятнинг аралашиб бир-бирининг таркибига сингиб кетиши натижасидир, қолаверса, ҳар бир вилоятдаги аҳоли кийимларининг ўзига хослиги ва умумийлиги, уларни ишлаб чиқариш жараёнлари ҳам бир хил бўлиши мумкин. Бундан ташқари, жанубий вилоятларда эркаклар

кийимларининг шаклланишида анъанавий хўжалик машғулоти, табиий иқлим шароити таъсири сезилиб туради. Бунга мисол қилиб, Сурхондарё воҳасининг тоғ, тоғ олди ва даштли худудларида яшовчи аҳолининг ўзига хос кийимларини айтиб ўтиш мумкин.

Фарғона водийсида ҳам катта ёшдаги кишилар ва болалар орасида «елка ёкали» - «кифтаки» ва «уйма ёқа» кўйлақлар кенг тарқалган. Бу нусхадаги кўйлақлар «туника нусха» (туникаобразный) деб ҳам номланади.

«Кифтаки» нусха кўйлақ, аввало диний қатлам вакиллари орасида тарқалганлиги сабабли, «муллача кўйлақ», «муллача ёқа» ёки оддий қилиб «муллача» каби номлар билан ҳам аталган. Бу каби кўйлақлар Фарғона водийсининг ўтроқ ўзбек, тожик ва уйғур аҳолиси билан бир вақтда қирғиз қорақалпоқ, қипчоқ ва бошқа чорвадор халқлар орасида ҳам тарқалган эди.

Бундан ташқари, Фарғона водийсида олди очик ятак кўйлақлар кийиш одат тусини олган. Улар чит, бўз, ипак ип газлама матолардан тикилиб, ёшлар ҳам, қариялар ҳам бирдек ёқтиришган. Енгил кийишга қулай ятакнинг этаги тиззагача ва тиззадан ҳам пастроқда тушиб турар, ёқаси узунасига илмоқ, билан ёнма-ён қилиб қавилиб, кўкрак қисмига бир дона тугмача ёки қўлбола ипак, кўпгина ўз матосидан ингичка боғич ўтказиб қўйиларди.

Ятак Фарғона водийси билан бирга Қашқадарёда ҳам кенг тарқалган. Ятак кўйлақ олди очик шаклида бичилган, ёқанинг ичидан тўрт бурчак шаклида қўшимча мато қўйилган. Сиртдан Қараганда уни кийган киши биргина ятак эмас, унинг ичидан яна юқорида таърифи берилган елка ёқа кийим кийганга ўхшайди.<sup>28</sup> Шу боис бу кийим ятак-кўйлақ деб юритилиб, Фарғона водийсида катта ёшдаги кишилар кийишган, Қашқадарёда эса даврий кийим саналган. Хусусан, 18-20 ёшга кирган, яъни балоғатга етган йигитлар ўспиринликдан йигитликка ўтганлик рамзи сифатида кийган. Шунинг учун ҳам бу кўйлақ «бўз бола кўйлақ» ёки Шаҳрисабз ҳамда Қарши туман қишлоқларида «чор ёқа кўйлақ» номи билан юритилган.

---

<sup>28</sup> Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т., 1998.-№6.Б-13

Енгил кийимлардан яна бири узун олд ёқаси ва узун енглари, бўйи бўлган «қозоқи ёқа», «татар жақа» деб номланган тик ёқали кўйлақдир. Кўйлақнинг бундай номланиши кўйлақни даставвал қозоқ ва татар халқларида, кейинчалик эса ўтроқ ўзбек, тожик, уйғурларда, кейинчалик жанубий қиғизларда ҳам тарқалганлигидадир.

Ўзбек халқи этнографиясини билимдони академик К.Шониёзовнинг ёзишигача, Фарғона водийсидаги қипчоқлар маҳаллий ўтроқ аҳолидан бир неча нусхадан, жумладан, ёқаси тик кўйлақ нусхаларини ўзлаштирганлар. Шу билан бирга Фарғона водийсида ёқаси тик андозадаги кўйлақлар ичида «бурма кўйлақ» номи кўйлақлар XIX аср охири - XX аср бошларида кенг тарқалган бўлса, XX асрнинг 20-30- йилларида эса «бўғмоқи», «бўғма» ёқали кўйлақни кийиш расм бўлган.

Қашқадарё воҳасида эса узун олд ёқаси очиқ, оқ, малла ранг, йўл-йўл матолардан тикилган ёзлик кийим ҳисобланган «яктаҳия» деб юритилган яқтак кийилган. Яктаҳиянинг олдида боғланадиган боғичлари ёки тугмалари, ўнг томонида ён чўнтаги бўлган ва устидан белбоғ боғланган.

Эркаклар кийимларидан яна бир нусхаси гуппидир. Гуппи, асосан, икта нусхада тарқалган биринчиси узун ва кенг бўлиб, киши баданни ўраб турган, иккинчиси эса узунлиги тиззадан баландроқ бўлиб, ёнидан боғич билан боғланган. Гуппини, асосан, чорвадор қиш мавсумида кийган. У эркакларнинг енгил устки кийимларидан ҳисобланган.

Гуппини, асосан, чорвачилик билан шуғулланган аҳоли туя, қўй, эчки жуни солиб қовиб кийишган. Гуппини қирғиз ва қозоқлар «купи» айрим туманлардаги ўзбеклар эса «курта» термини билан аташган.

Маҳмуд Қошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарида гуппининг «ялмо» деб аталишини кўрсатиб ўтган. Сурхондарёда эркакларнинг олача, йўл-йўл, беқасам чопонлари кенг тарқалган бўлса, Фарғона, Тошкентда сип мато қора, яшил, пушти, кўк рангли матолардан, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Зарафшон водийсида йўл-йўл матолардан «олача» чопонлар кенг тарқалган эди.

Эркаклар киядиган кийимлардан иштон ҳам турли номлар (пойжома, дамбал, илбос) билан юритилган. Лекин унинг бичими, нусҳаси ҳамма жойда ҳам бир хил бўлган. Иштонлар кенг, узун қиштаги тўрт бурчак ёки уч бурчак қилиб тикилган. Қадам ташлаш осон бўлиши учун оғи пойга оралиғида анча осилиб турган. Иштонларнинг юкори қисми кенг, почалари торроқ тикилиб, тўпиққача тушиб туради, юкори қисмига иштонбоғ ўтказиш учун милипга гир айлана баҳя чок қилинган. Иштонлар ип-газламада тикилган. Қиш фаслларида иштон устидан астарли ёхуд астарсиз шим кийилган.

Эркакларнинг қадимий кийимларидан бири - тундир. Тун кенг маънода, чоғгон эса аксар пахтали маъносида юритилган. Фарғона водийсида яшовчи ўзбек қурамалари шевасида пахталик чопонни чуқит деб номлайдилар.

Тунлар Қашқадарё, Сурхандарё воҳаларида узун ва кенг бўлиб, йўл-йўл матолардан, Фарғона водийсида одмироқ матолардан, хусусан кўкиш, зангори кўк, пушти-кўкиш, қора ва бошқа матолардан тикилган ва қалин пахтали тунлар юпка пахталиси устидан кийилган.

Пахтасиз тунлар «авра тун», «аврачопон» деб аталган. Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида «жегде» номи билан юритилган. Пахтали тун устидан авра тун кийиб юриш кишига кўрк, салобат бахш этган.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда татарлар камзулини кийиш разм бўла бошлайди.

Анъанавий устки кийимлардан яна бири - чакмондир. Чакмоннинг боқоти, босма, қоқма, тивитли, силкма каби хиллари бўлган. Шунингдек, чакмонлар рангларига қараб турлича аталган: кўк чакмон, маяла чакмон, оқ чакмонлардир. Улар асосан, астарсиз факат аврадан иборат бўлиб, шакли тунга ўхшаган. Чакмон ёқасига, энг учлари ва этақларига қора, кўкиш, пушти ва жигарранг матолардан жияк тикилган, адип қуйилган. Чакмон узун ва кенг тикилиб, тун устидан кийилган. Унинг устидан белбоғ боғланган. Чакмоннинг чиройли бўлиши учун уларнинг энг учлари, ёқалари, этақларига турли рангдаги ипаклардан тикилган ингичка жияклар қадалган.

Чорвадорлар кийган қадимий кийим ҳисобланмиш кебанакнинг ҳам устки қисми шоидан, ичи эса кигиздан, узун, кенг қилиб тикилган. Эркакларнинг яна бир кийими Пўсган бўлиб, у кўй, тулки, сувсар ва бошқа хайвон териларидан тикилган. Пўстив XIV-XV асрлардан бошлаб пўстин термини билан атала бошлаган. Пўстинлар турли хил бўлган: «барра пўсгия», «сувсар пўстин» ва х.к. Эркакларга хос кийим-кечаклар элементи белбоғ ҳам ўзбек ва тожик халқлари томонидан эъзозланиб келинган. У кишига кийимларнинг баданга ёпишиб туришини таъминловчи, қадди-коматини тўғри тутувчи, ихчам ва хушбичим бўлишини таъминловчи воситадир. «Белида белбоғи бор» деган сўз ҳам бежиз эмас.

Белбоғлар чит, сатин, бўз ва бошқа матолардан тикилган. Шунингдек, тўқима (фута, матри ва мадали белбоғлар) ўрама ва чармдан қилинган белбоғлар ҳам бўлган. Тўрт томони кашталанган безакли белбоғлар кийик деб аталган. Белбоғлар турлича бўлгани каби уларни боғлаш усуллари ҳам турлича бўлган. Фарғона водийсида бир неча белбоғ устма-уст қилиб боғланган. Бунда аввал узун, ўрама белбоғлар, уларнинг устидан яна бир неча оддий белбоғлар боғланган. Маҳаллий газмоллардан тикилган кушоқлар, тўғри тўртбурчак шаклли рўмоллар, белбоғ, белкарс, кашталар билан безатилган чорсилар, қийиқчалар жуда расм бўлган.

Эркакларнинг энг кўп ва кенг тарқалган бош кийими дўппидир. Дўппининг тикилиш ва безатилиш услуби Фарғона, Шаҳрисабз, Китоб туманларида бир-биридан фарқланиб турган. Эркакларнинг деярли ҳаммаси оёқларига маҳаллий усталар томонидан тикилган этик, ковуш-махси, чорик, такаки, мукки, хаккари, тоштовон, чорик-пойпуш каби оёқ, кийимларини кийишган. Ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, уйғур сингари халқларнинг узоқ, замонлардан буён ёнма-ён яшаб келишлари туфайли уларнинг кийимлари бир-бириникига ўхшаш бўлиб борган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аёллар кийимлари эркакларникига қараганда ўзида маҳаллий элементларни кўпроқ сақлаб қолган. Хотин-қизларнинг энг оммавий куйлақларидан бири «елка ёқали» ёки «кифтаки»

деб аталган кўйлақлар бўлиб, эркакларникига ўхшаб олди икки ёки бир томонидан боғичли қилиб тикилган. Бу кўйлақларни кўпроқ қариялар, шунингдек, қизларкийишган.

XX асрнинг охиридан тик ёқа кўйлақлар кийиш одат тусига кира бошлаган. Дастлабки вақтларда бу хил кўйлақларни барча ёшдаги хотин-қизлар кийишган. Кейинчалик у қариялар кўйлагига айланган. Бу кўйлақ туман қишлоқларида нўғай ёқа ёки қозоқи ёқа деб юритилган. Мазкур тик ёқа кўйлақ итёқа (итгако) номи билан ҳам аталган ёқаси кўлда ёки машинада тикилган.

XX асрнинг 30-йилларида қишлоқларда кўкрак бурма кўйлақлар пайдо бўлди. Хозирги кунда бу кўйлақлар нусхаларида ўзгаришлар содир бўлди ва бугунга қадар аёлларимиз томонидан кийилмоқда. Ўзбек хотин-қизларининг энг муҳим анъанавий кийимларидан яна бири уларнинг ич кийими - лозимлари ҳисобланади. Аёллар лозими эркаклар иштонидан фарқ қилмасда, тикилишида фарқ бўлган. Лозим асосан, икки хил матодан, яъни пойчалари янги матодан, кўзга кўринмайдиган липпаси эски матодан, киштаги эса рангли матодан тикилган. Одатда, ёш қиз-жувонларга тикиладиган лозимлар учун очик рангли матолардан, катта ёшдаги аёлларга, қарияларга одмирок матолардан фойдаланишган. Кундалик кийиладиган лозимлар оддий матолардан, тўй-тантаналарда кийиладиган лозимлар шойи, атлас каби ипакли ва ярим ипакли матолардан тикилган. Қандай матодан тикилишига қарамай, лозимларда ҳам иштонбоғ бўлган, пойчаларига тақилган жияқлар қадалган.<sup>29</sup>

XIX аср охири - XX аср бошларида яшаган аёлларнинг энг кўп тарқалган устки кийимларидан бири тун бўлиб, уларнинг аксарияти тўғри бичимли, кенг ва узун қилиб тикилган. Шарқда қилинган худудларда тунлар маҳаллий матолардан пахтали, авра-астарли, ёғдеш қилиб тикилган.

---

<sup>29</sup> Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент: Шарқ, 2001. –.185.б

Ипакли ва ярим ипакли матолардан кўпроқ беқасамдан тикилган. Шунингдек, бели ичига киритилган ёнида чўнтак, озроқ тик ёқаси бўлган. Тунлар Фарғона водийси хотин-қизлари томонидан севиб кийилган. Бундан ташқари кенг ва узун пахтали тунлар ҳам бўлган. Тунларга чирой бериш мақсадида ёқалари, енг учлари ва этакларига жияк қадалган.

Чўнтак оғизлари дам жиякланган хотин-қизлар туни икки хил бўлган: тўғри тун, белли тун. Булардан бири пахтали калин тун бўлса, иккинчиси пахтасиз, фақат авра-астардан иборат енгил чопондир. Булар орасида қадимий ва кенг тарқалгани Мурсак (мунисак) ёки Қалтача номи билан машхур бўлган. Мурсаклар уч қисмдан - буй, ён ва енглاردан иборат бўлган.

Чор Россияси томонидан Ўрта Осиё босиб олинганидан сўнг кийим-кечаклар таркибига янгидан-янги кийим нусхалари кириб кела бошлади.

Булардан бири камзур (камзил) бўлиб астар-аврали, олди очик, кўйлак устидан кийилган ва тугмалари қадаб олинган енгил кийим саналган. Камзур секин-аста миллий, анъанавий кийимлар таркибидан жой олган. Камзур кийим одат тусига киргандан сўнг, хотин-қизлар орасида камзур чопон, пахтали камзур, узун камзур кийиш расм бқла бошлаган. У кийим қалта камзур, камзурча нимча, синаван, синаванча каби номлар билан аталган.

Ўзбек хотин-қизлари кийим-кечакларидаги ўзига хослик айниқса уларнинг бош кийимларида яққол кўзга ташланади. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб дўппи кийиш одат тусига кирган. Фарғона водийсида дўппи кийиш анъанавий ҳисобланган. Айниқса, Шаҳрисабз ва Китоб, дўппилари жуда машхур бўлган. Айрим дўппилар тўртбурчак, бошқалари думалок шаклда бўлган. Санама, ироки, гилам нусха нозик дўппи каби дўппилар республиканинг ҳамма жойларида кийилган. Қашқадарё воҳасининг айрим туманлари Шаҳрисабз дўппиларини «ироки» дўппи деб аташиб, жуда севиб кийганлар. Бу дўппи кўриниши жихатидан кўркам ва рангли бўлган. Шу билан бирга Қашқадарё воҳасининг Дехконобод туманидаги қишлоқ аҳолиси орасида Фарғона, Андижон дўппилари XX аср бошларидан бошлаб кийила бошлаганлигини эслашади. Хотин-қизларнинг

лачак деган бош кийимининг орқа томони аёлнинг белига тушган, олд қисми иягига тақалиб турган. Юз-кўз учун махсус тешиги бўлган. Бу бош кийимни Қашқадарёнинг Чироқчи тумани деб, Қарши тумани қишлоғида гизза деб юритилган. Уларда гиззалар икки турга бўлиниб, биринчиси мутлақо қизил ёки тўқ қизил рангдаги матолардан тайёрланган ва қиз гиззаси деб аталган, иккинчиси эса оқ матодан тайёрланган. Уни турмушга чиққан келинлар никоҳ кунидан бошлаб кийишган. Қашқадарёнинг Жейнов, Камаш, Карки, Пўлати каби қишлоқларида ўтмишда никоҳ тўйининг учунчи кун келинларга махсус кийим кийдириш маросими ўтказилган. Унда келинларга оқ изза устидан қизил ёки тўқ қизил духобадан тикилган ва бухнак деб аталган бош кийими ҳам кийдиришган. Уни хотин-қизлар уч-тўрт болалик бқлгунларигача, гоҳо эса боладан қолгунларича кийишган. Бухнакнинг ияк остидан тортилиб турадиган қисмли турли тақинчоклар билан безатилган.

Аёлларнинг яна бир бош кийимларидан бири - бу *бош* ёки *салла* деб аталиб у, асосан, ярим ўтrock аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб, яқин вақтларгача ўз шаклини саклаб қолган. Мазкур бош кийимини, одатда, болали аёллар кийган, аёллар бошларига аввал ярим дўппи шаклидаги кийгични кийиб, унинг устидан 5-7 метрлик салла ўрашган. Худди шу қисми бош деб аталиб, унинг устидан эса еттитадан тўққизтагача тўққизтадан ўн биттагача турли рангдаги ва номдаги матолардан тайёрланган уч бурчакли ёки тўрт бурчакли кийик рўмолларни ҳаммасини ранги очик кўринадиган қилиб ўралган. Бу қисми салла деб атаган. Шунинг учун мазкур бош кийим икки термин бош ёки салла деб юритилган. Тўй тантаналарида эса 30-35 тагача етказиб рўмол ўралган. Ўтмишда Қашқадарё ва Сурхандарё вилоятларининг айрим қишлоқларида аёлларнинг яна бир бош кийими *бошуров* бўлиб, у турли жойларда турлича ўралган. У асосан дўппи, каллапўш ёки калта устидан кийилган. Бундан ташқари, аёллар азалдан турли-туман рўмоллар ўрашган, хусусан, дудок рўмол, ип рўмол, шол рўмол ёки жун рўмол, тур рўмол, ипак рўмол, дока рўмол, мискрли дока рўмол ёки жим рўмол кабилар хотин-қизларда кундалик ўраш учун дурра, дуррача,

пешонабанд, манглайча, локи каби бошга ўраладиган рўмоллар ҳам бўлган. Бош кийимлар устидан ёпилиб юрилган ёпинчиғларга алоҳида тўхталиш зарур. Фарғона водийси шаҳарлари ва унга яқин туманларда бунга амал қилинган. Бироқ чорвадор аҳоли орасида бу одатга кам риоя қилинган. Ёпинчиғларнинг энг кўп тарқалгани паранжидир. Паранжи тутиш секин-аста бархам топган бўлса-да, унинг ўрнини турли кўринишдаги рўмоллар, яқтак чопон ва болалар кийимлари эгаллади. Шунингдек бошга ёпиниб юриладиганларнинг яна бири жегда бўлиб, у паранжининг бир кўринишидир. Желак йўл-йўл, сийжом матолардан тикилган, энглари сохта қилиниб паранжи каби орқага тикиб қўйилган. Желаклар турли кўринишга эга бўлиб, ундан аёлларнинг оилавий ахволи, бой ёки камбағаллиги сезилиб турган. Академик К.Шониёзовнинг ёзишича, ўтмишда қипчоқ хотинлари желакни икки-уч болалик булгунларича ёпинишган. Ёпинчиқларнинг яна бир тури жегда бўлиб, аёллар уни бошларига ёпиниб чиқадиган болалар устки кийимлари ҳам шундай юритилган. Лекин Қашқадарёнинг бир қатор қишлоқларида ёпинчиқлар лачача деб аталган.

Сурхондарё ва Қашқадарёнинг айрим туманларида яшаган кўнғирот аёллари орасида бошга ёпиниб юриладиган аксарият қизил ёки духобадан тикилган паранжи нусха ёпинчиқ куртакур ва куртакуроқ деб номланган. У қизларга келин бўлганларида ёпинтирилиб, умрининг охиригача сақланган. Куртакур ҳам икки хил кўринишга эга бўлган. Хашаматли безаш, қимматбаҳо тақинчоқлар осилган, олдига бош билан айлантирилиб, то этақларининг учигача тўрт энлик хошияли, гоҳо кумуш тақинчоқли ленталар қўйилган ёпинчиқлар куртакур деб, олдида махсус тикилган ленталарсиз безаклари бўлмаган ёпинчиқлар оддий курта деб юритилган.<sup>30</sup>

Қарши туманининг баъзи қишлоқларида аёллар бошларига хунка деб аталган катта рўмол ёпинишган. Хунканинг ўртаси бош мия устига, икки уч ияк остидан ўтказилиб, орқага ташлаб юрилган.

---

<sup>30</sup> Ашуров А. Анъанавий дунёқарашда ранглар рамзи // Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари Н., 2003.Б-12

Бошга ёпинадиган катта рўмоллар турли жойларда турлича номлар билан аталган. Хусусан, узунлиги бир ярим - икки метр, эни етмиш сантиметрли рўмоллар латта, чорсу деб юритилган. Ана шу рўмолларнинг яна бири ун чоракли рўмол деб аталган.

К.Шониёзов таъкидлашича, қарлуқ қизлари турмушга чиккунларигача бошларига копдон деган рўмол ёпиниб юрган. Қизлар қизил, тўқ-қизил матолардан рўмол ўраган бўлса, аёлларнинг копдонлари оқ матодан тикилиб шохбош устидан ёпилган. Доимий кийиладиган копдонлар тўқ-қизил ёки сариқ матодан тикилган. Хозирги вақтга келиб ўзбек аёллари юкоридаги бош кийимларнинг хаммасини хам кийишмайди, чунки турли хил рангдаги катта-кичик матолардан тикилган рўмол асосий бош кийими ҳисобланади. Рўмолларни ўраш услублари хам ўзгарган. Биз олиб борган тадқиқот натижасида ўрганилаётган вилояларнинг айрим чекка қишлоқларида бундай бош кийимларини ўраш сақланиб қолган бўлиб, шаҳар шароитида эса деярли сақланмаган. Ҳуллас, ўзбек анъанавий кийим-кечаклари асрлар давомида ўзига хос тарзда шаклланиб, ривожланиб келди. Ўрта Осиё заминида яшаган халқлар умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда ўз турмуш тарзи, хўжалик фаолияти ижтимоий негизидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ва мос тарздаги маданиятни ёритади. Бу ҳол, асосан, кийим-кечакларда сезилишини алоҳида кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бир халқ этник гуруҳ, кийимларидаги тафовутларнинг камроқ сезилиши хам улар ўртасидаги маданиятнинг узвийлигидан далолат беради.

Биргина Фарғона водийси аҳолисининг анъанавий кийимларини олиб қарайдиган бўлсак, ўзига хос тарздаги тараққиёт акс этадики, ундаги мукамаллик алоҳида ажраб туради. Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларида хам бу жараёни кузатиш мумкин. XX аср бошларига келиб халқимиз кийимларида кучли ўзгаришлар рўй берди. Бундай халқимиз дидига хос бўлган кийим-кечаклар, хозирги кунга қадар севиб кийиб келинмоқда. Қолаверса, ушбу ҳудудларда кийимлардаги умумийлик, бир хиллик учрайди. Кийимлар бичими, асосан, минтақалар бўйича шаклланган бўлса-да, бичим,

асосан, бир хилда, мато танлаш ва мато рангини белгилаш регионларда бир-бирдан фарқ қилган. Шунинг учун ҳам биз тадқиқот олиб борган ҳудудлар кийим-кечаклари хилма-хил ранг-баранг ва жозибали бўлганлиги учун табақалашганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Халқ анъанавий таомларида локал ва этнохудудий хусусиятлари Анъанавий таомлар моддий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Халқ анъанавий таомлари турли омиллар таъсирида узок тарихий давр мобайнида шаклланиб боради. Бундай омиллар қаторида дастлаб хўжалик фаолияти омили, сўнгра табиий, маданий, диний ва сиёсий каби омилларни санаб ўтишимиз мумкин. Анъанавий таомларнинг узок тарихий давр мобайнида шаклланиши ва маълум бир маънода консерватив аҳамият касб этиши натижасида таомлар ўзида этник белгиларни моддий маданиятнинг бошқа элементларига нисбатан мустаҳкамроқ томонидан киритилган бўлса, ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ турмуш тарзини кечирган этнослар ўтроқлашиш жараёни давомида мазкур таомларни ўзлаштириб, уз навбатида уларни таркибан бойитишда ва хилма - ҳиллигини оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшишган. Ярим кўчманчи ва ярим ўтроқ турмуш тарзини кечирган этнослар ўтроқлашиш жараёни давомида мазкур таомларни ўзлаштириб, ўз навбатида уларни таркибан бойитишда ва хилма - ҳиллигини оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшишган.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқи этник шаклланиши турли хил тортишувларга сабаб бўлган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фандаги мавжуд вазият батамом ўзгарди ва этнографик материалларнинг амалий аҳамияти ошди. Ҳозирда этнология фанидан нафақат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда, балки коммуникация тизими, халқаро савдо, дипломатия ва бошқа катор соҳаларда ҳам фойдаланилмоқда.

Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистонда ҳам жамият ҳаётидаги туб бурилишлар ва миллий тафаккурдаги ўзгаришлар туфайли ўзбек халқи этнологиясига қизиқиш янада кучайди. Айниқса, бу борада миллий давлатчиликнинг маҳаллий бошқарув усуллари, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи каби муҳим муаммолар билан бирга анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар, тарихий-этнографик минтақалар этнографияси ҳамда турли ҳудудларга хос этнолокал анъаналарни ўрганишга бағишланган қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, соҳада бажарилаётган тадқиқотлар ҳам хажм, ҳам мазмун-моҳият жиҳатидан бойиб боришининг асосий сабабларидан бири - бу мустақиллик йилларида ўтмиш тарих ва миллий қадриятлар ҳамда анъаналарга бўлган қизиқишнинг кескин ортганлигидан, деб айтиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли мамлакат бўлгани боис, нафақат ўзбек халқи, балки мамлакатимиз ҳудудида яшаётган бошқа халқларнинг этномаданий ва ижтимоий-диний яқинлиги миллатлараро этномаданий мулоқотларни тарихий-этнографик аспектда ўрганиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти Этнология бўлими мутахассислари ва Республикаимизнинг бошқа этнолог олимлари тмоидан кейинги йилларда қатор

тадқиқотлар амалга оширилди. Мамлакатимиз этнологлари томонидан бажарилаётган илмий изланишлар нафақат мазмун ва моҳияти билан, балки бу ишни бажаришдаги назарий-методологик жиҳатдан ёндашувлар ҳам ўзгарганлиги яққол сезилмоқда. Натижада "этномаданий жараёнлар", "этник ва маданий идентиклик муаммолари", "замонавий жамиятда миллий-этник жараёнлар", "этнопсихология", "этнослараро коммуникация" каби терминологиянинг янги йўналишларида катор тадқиқотлар бажарилди.

Ҳовлилар атрофи девор билан ўралмаган қишлоқлар лалми деҳқончилик ҳудудларида жойлашган. Бундай қишлоқларнинг аксарияти XIX аср охири - XX аср бошларида пайдо бўлган. Бундай қишлоқлар ва ҳовлилар кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбекларнинг ўтроқлашиши натижасида пайдо бўлган ва XX аср бошларигача уларда чорвачиликка хос турмуш тарзи излари кўзга ташланган. Таъкидлаш жоизки, чорвадор аҳоли ўзларининг қишловлари ўрнида узоқ вақт мобайнида, баъзи туманларда ўтган асрнинг 20-30 йилларнга қадар ўтроқлашган ва дастлаб қора уйларда истиқомат қилишган. Доимий типдаги уйларда яшашга ўтганлари ҳам, одатда, бир хонали, баъзи ҳолларда икки хонали уйларда яшаган. Қашқадарё ва Сурхондарёнинг кўплаб қишлоқларида уйлар айвонсиз, Фарғона водийсида эса айвонли уйлар қурилган. Бу эса ўтроқ аҳолининг таъсири оқибатида эди. Жанубий вилоятларда уйларнинг олдида тупроқдан кўтариб супа қилишган, бу илиқ об-ҳаво шароитига жуда мос бўлган, қиш ва кўклам ойлари қор ва ёмғир сувларининг уйнинг олдида тўпланмаслигини таъминлаган.

Фарғона водийсида ўтроқ турмуш тарзига ўтган қипчоқ, қурама ва туркларнинг тоғ олди туманларида жойлашган алоҳида-алоҳида, тарқоқ кўринишдаги қишлоқлари ҳам ўзига хос тузилишга эга бўлган. Бундай қишлоқлардаги ҳар бир ҳовли бир-биридан 100-200 м, баъзан ундан ҳам узоқ масофада жойлашган бўлиб, бошқа қишлоқларга нисбатан катта ҳудудни эгаллаган. Ҳар бир ҳовли паҳса девор билан ўралган. Бундан

ташқари, ҳовли атрофини ўраб олиш учун дарахт шохлари ёки «чангаллар» ҳам ишлатилган. Уларда ҳовли афофини девор билан тўсиш ҳовлини (оиладаги аёлларни) бегона кишиларнинг назари тушишидан тўсиш эмас, балки ҳовлига чорва ҳайвонларини кириб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида қурилган. Шунинг учун кўп ҳолларда ҳовлининг фақат кўча томони тўсилган, холос.

Чорвачилик ҳам Ўзбекистон аҳолиси хўжалик фаолиятининг асосий ва энг қадимий турларидан бири. Бошқа ҳудудлар аҳолисининг чорвачилиги билан кўпгина ўхшаш жиҳатлари бўлса-да, Ўзбекистондаги этник гуруҳларнинг ҳар бирида уй ҳайвонларини боқишда ўзига хос усуллари ва жиҳатлари бўлиши табиий. Шу билан бир қаторда, ҳатто бир элат истиқомат қиладиган ҳудудда ҳам чорвачилик хўжалигини юритишдаги табиий-географик шароитлар туфайли, кўшни халқларнинг таъсири ёки ижтимоий-иқтисодий сабаблар натижасида хилма-хил усуллардан фойдаланганликларини кузатишимиз мумкин.

Чорвачилик хўжалигининг ўрганилаётган даврдаги қадимдан шаклланган бир қанча типларини учратиш мумкин. Булар, ярим ўтроқ чорвачилиги ёки ўтроқ хўжаликнинг бир соҳаси сифатида чорвачилик бўлиши мумкин. Бу чорвачилик типлари турли жойларда ўзига хос вариантларга эга бўлиши мумкин. Ўтроқ аҳолида чорва боқишнинг кўра ёки кўра-яйлов тизими, кўчманчи аҳолида эса яйлов тизими устун турган.

XX аср бошларида ўрганилаётган минтақада ҳайдов-яйлов чорвачилиги хўжаликнинг асосий ва ятона тармоғи сифатида сақланиб қолган эди. Бу типдаги хўжаликка Дашти Қипчоқ этник гуруҳларидан олдин жойлашган қарлук, турклар номи билан маълум бўлган этник гуруҳлар ва бошқалар кирган. Деҳқончилик маҳсулотларини улар яйловда ўзаро савдо-сотиқ алоқаларида бўлган тоғли тожиклардан ёки бозордан сотиб олганлар. Бой чорвадорлар Ғузор, Қарши, Ургут, Тошкент ва бошқа жойлардан келган чорва савдогарларига сотганлар. Шу билан биргаликда

улар узун ва ингичка жунни баҳорда ўз чорваларини Афғонистондан жанубий Тожикистон орқали Қўқонга сотишга кетаётган араблар ва афғонларга алмашишган. Қарлуқ, турк ва қўнғиротларнинг ёрдамчи хўжалиги авлоддан-авлодга ўтиб келган чўпонликдир.

Бой чорвадорлар асрлар бўйи шуғулланиб келган анъаналарига зид равишда товар характериға эға бўлган ғаллакорлик билан шуғуллана бошладилар. Айнан улар етарли ишчи ҳайвонларға ва деҳқончилик қуролларига эға эдилар. Бу ерда етиштирилган буғдойларни Термиз, Керки, Хивадан келган савдогарлар сотиб олиб, Амударё орқали олиб кетганлар.

Хўжалигининг асосини чорвачилик ташкил этган Мовароуннаҳр турклари, қарлуқ, қўнғирот, дўрмон, юз каби йирик этник гуруҳларда ҳайдов-яйлов ёки яйлов-яйлов (ёзги яйловдан қишги яйловға кўчиш ёки аксинча) тизимидаги чорвачилик фаолияти интенсив характерға эға бўлиб, яратилган чорвачилик маҳсулотларининг товарлик хусусияти юқори эди.

Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ва жанубий минтақаларида деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, ўтроқ деҳқон ва чорвадор аҳолининг ўзаро муносабати, этник мулоқоти натижасида тараққий этиб борган.

Маълумки, ўтроқ аҳоли билан ярим ўтроқ аҳоли орасида турли хилдаги чорва хўжалиги мавжуд бўлган. Ўзбеклар таркибидаги қарлуқ, турк, қўнғирот, юз, манғит каби йирик субэтник: гуруҳларнинг авлодлари чорвадор ҳисобланганлар. Улар баҳорда қўйлар болалагандан кейин подани тоғ ва адирлардаги яйловларға ёки дашт ўтлоқларига ҳайдаб чиққанлар. Одатда, яйловларда аёллар ва ўсмирлар бўлган. Эркаклар водийда деҳқончилик ишлари билан банд бўлиб, вақти-вақти билан яйловға чиқиб, озиқ-овқат етказиб турганлар. Фарғона водийсининг табиий шароити экстенсив чорвачиликнинг ривожини ҳам таъминлаб берди. Ёзда Фарғона водийсини ўраб турган тоғ тизмалари томон чорвадор

аҳоли ўз чорваларини ҳайдаган бўлсалар, қишда чўл зоналари уларнинг чорвалари учун яйлов сифатида хизмат қилган. Албатта, яйлов чорвачилиги билан XIX аср охирида у ёки бу ҳолатда зодийнинг ярим ўтрок (ярим кўчманчи) аҳолиси шуғулланар эди. Тадқиқотларда эътироф этишича, ушбу тарихий-этнографик ҳудудда яшаб турган азалий чорвадор аҳоли ҳам ўз ўрнида турган ўзбек, тожик аҳолининг чорвачилик хўжалиги ривожига сезиларли таъсир кўрсатган. Фарғоналик қирғиз, қипчоқ, турк, курама, юз ва қорақалпоқлар каби чорвадор аҳоли билан турғун аҳоли орасидаги алоқалар чорвачилик соҳасидаги ўзаро муносабатларда намоён бўлади.

Водийда Олой ва Арна водийси энг яхши ёзги яйлов ҳисобланган. Тўғри, улар Фарғона водийси чегарасидан ташқарида бўлса-да, қадимги даврларданок иқтисодий тизгинлар асосида бевосита бир-бири билан боғлиқ эди. Яйловлар ҳам деҳқончилик зоналари каби этномулоқот воситаси бўлиб хизмат қилган. Чунки бунда водийнинг кўплаб этник жамоалари қирғиз, қипчоқ, турк, курама, юз, қорақалпоқ ҳамда ўтрок ўзбек ва тожиклар ўз чорваларини боққанлар.

## МАВЗУ ЮЗАСИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Артыкова Д. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон хотин-қизларнинг саноатдаги иштироки // АндДУ Илмий хабарномаси.- Андижон, 2012. Махсус сон.-Б.23-25.

2. Артыкова Д. Аёл миллатнинг фахри // Андижоннома. 2012 йил 12 май.

Андижон давлат университети 5A220201-Ватан тарихи мутахассислиги магистри академик даражасига талабгор Артикова Дилафруз Муҳаммаджоновнанинг “Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги иштироки (1924-1941 йй.)” мавзусидаги магистрлик диссертациясининг

### РЕЗЮМЕСИ

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** ҳукмрон мафкура, “қайта қуриш”, звено бошлиғи, гегемон синф, эвакуация, бошпана, интенсив, касаначилик, қадрият, тазйиқ, жисмоний меҳнат, касбга тайёрлаш, ижтимоий муҳофаза, меҳнатни механизациялаш, сиёсий – ахлоқий маданият.

**Тадқиқот объекти:** совет давлатининг аёллар масаласидаги сиёсатини 1924-1941 йиллар мисолида таҳлил этиш тадқиқот объекти ҳисобланади.

**Ишнинг мақсади:** совет тоталитар тузуми шароитида ҳукуматнинг аёллар масаласидаги сиёсати, бу соҳадаги муаммоларни таҳлил этиш.

**Тадқиқот усуллари:** тадқиқотни амалга оширишда холислик, тарихийлик, танқидийлик ва қиёсий – таҳлилий усуллардан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** бугунги кунга қадар кам ўрганилган маълумотлар асосида совет давлати сиёсатида хотин – қизларга

муносабат масаласи, Ўзбекистон аёлларининг мамлакат, республика халқ хўжалигидаги, илм – фан, маориф, маданият соҳасидаги хизматлари, ундаги муаммолар ва ютуқлар ёритиб берилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ишида келтирилган фактик материаллар ва берилган илмий хулосалар Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ёритишда аҳамиятли тадқиқот сифатида хизмат қилади.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот натижалари ва назарий хулосалари бўйича университетда махсус курс ташкил этилган ва Ўзбекистон тарихидан машғулотларда фойдаланилмоқда.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** тадқиқот натижаларидан Ватан тарихининг ҳали таҳлил этилмаган саҳифаларини ёритишда, совет тузумининг моҳиятини очиб берувчи илмий асарлар ҳамда республика таълим тизими учун дарслик ва услубий қўлланмалар тайёрлашда, шунингдек, олий ўқув юртларида совет даври Ўзбекистон тарихига бағишланган махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

## РЕЗЮМЕ

**магистерской диссертации Артиковой Дилафрузы Мухаммаджоновны на тему: «Участие женщин в социально-экономический и культурной жизни Узбекистана (1924-1941 гг.)»**  
**5A220201 - История Узбекистана**

**Ключевые слова:** господствующая идеология, перестройка, начальник звена, гегемония рабочего класса, эвакуация, укрытие, интенсивность, надомный труд, ценность, давление, физические труд, подготовка к профессии, социальная защита, механизация труда, политико – этическая культура.

**Объект исследования:** объектом исследования является анализ проблемы женщин в политике советского государство в 1924-1941 годах.

**Цель исследования:** анализ правительственной политики по женскому вопросу в условиях советского тоталитарного режима и ее проблем.

**Методы исследования:** в исследовании использованы такие методы, как объективность, историзм, критичность и сравнительно – аналитический метод.

**Полученные результаты и их новизна:** в исследовании на основе малоизученных источников освещены проблемы и успехи Советского государства в его политике по женскому вопросу, заслуг женьщин Узбекистана в народном хозяйстве республики в сфере науки, просвещения культуры.

**Практическая значимость:** фактические материалы и научные выводы исследования служат значимым материалом в освещении советского периода истории Узбекистана.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** По результатам исследования, его теоретическим положениям в университета организован

спецкурс и используется на занятиях по советскому периоду истории Узбекистана.

**Область применения:** результаты исследования могут быть использованы при освещении малоизученных страниц отечественной истории, создании научных трудов раскрывающий сущность советского режима, учебников и методических пособий для системы образования республики, а также при организации специальных курсов в высших учебных заведениях по советскому период истории Узбекистана.

## RESUME

**Magistracy thesis of Artikova Dilafruz Mukhammadjonovna on specialty 5A 220201-History of Motherland on the subject: “The role of women in social-economic and spiritual life of Uzbekistan (1924-1941)”**

**Key Words:** mastering ideology. Rebuilding, head of link, voidance class, evacuation, cover, intensity, handcrafting, caliber, mime hence, physical work, preparing for profession, social defense, mechanizing of work, politics- morality culture.

**Subjects of the inquiry:** main investigation is analyze decision problems of women in the politics of soviet government during 1924-1941 years.

**Aim of the inquiry:** making conclusion in the field of successes and problems in the soviet totality system in the politics tasks of Women.

**Methods of inquiry:** it was used such methods as range, histograms, period and comparative analytical approach.

**The results achieved and their novelty:** it was shown attitude of the soviet polite to the women of Uzbekistan on the base of little learned sources. Their successes and problems in the area agriculture, sponce, technology and in the culture and education.

**Practical value:** given in the scientific work actually materials and theoretical conclusions serves remarkable under argue for full, exhaustive light of the history of Uzbekistan in the period of soviet.

**Degree of embed and economic effectivity:** and inculcation degree: the result of in vest taxation found its image in the speech of dissertator in scientific conferences also in the published scientific articles and thesis’s.

**Sphere of usage:** the results of investigation can be used at making textbooks for secondary and special school’s and also in learning the history of Uzbekistan in special courses and high schools.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 32 б.
8. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 181 б.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
10. Каримов И. “Шаҳидлар хотираси” меъморий мажмуасининг очилиш маросимидаги маърузаси. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 430 б.
13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди»// Халқ сўзи.-2005, 19 январь.
14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз–жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ

этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи. -2005, 29 январь.

15.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. -Б.84.

16.Каримов И.А.Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.- Тошкент: Ўзбекистон, 2011.-439 б.

17. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. –Т.: Университет, 2007.

18. Садохин А.П. Этнология.-Москва: Мысль, 2000.

19.Қаюмов А.Р. XIX-XX аср бошларида Ўзбекистон худудида этник жараёнларнинг баъзи хусусиятлари.-Т, 2005.

21. Ўзбекистон худудида анъанавий этнослараро жараёнлар.-Т., Янги нашр, 2011.

22. Жабборов И. М. Ўзбек халқи этнографияси.-Т., 1994.

23. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент: Шарқ, 2001.

24. Ахмедов Б. Ўзбек Улуси.- Т., 1992.

25. Ахмедов Б.Ўзбекларнинг шиқиш тарихидан.- Т., 1995.

26. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Т. 2002.

27. Зоҳидов П.Ш. Мемор Олами. Т. 1996

28. Қораев С. Географик номлар маъноси. Т.,1978

29. Махмудов К. Ўзбек таомлари. Т., 1960

30.Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва тазия маросимлари. Т., 1996

31. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., 1993

32. Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари XIX-XX асрлари. Т.,2003

33. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик I том. М., 1981

34. Бўриев О., Усмонов М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар- С. 2008.- 243 б

35. Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан.- Т.,1977

## Матбуот материаллари

1. Бўриев О. Қатағон этнос хақида баъзи мулохазалар // Мустақил Ўзбекистон ва миллатлар аро муносабатлардаги барқарорлик. Тошкент, ТошДУ, 1995 Б. 10-12
2. Бўриев О. Жанубий Ўзбекистон аҳолиси этник тарихидан // Тарих, мустақиллик ва миллий ғоя. Тошкент “Академия” 2001. Б. 206-209
3. Ашуров А. Анъанавий дунёқарашда ранглар рамзи // Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари Н., 2003.
4. Ашуров А. Этнос муаммоси замонавий тадқиқотчилар талқинида // Ўзбекистон тарихи 2005 № 3 Б. 42-53
5. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид баъзи назарий масалалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т., 1998.-№6.
6. Жўраев М. Соч магияси ва у билан боғлиқ маросимлар // Ўзбекистон этнологияси янгича қарашлар ва ёндашувлар.-Т., 2004